БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 47 (16.737). | 25 февраль 1977 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг шонли санаси кунида «Салют-5» станциясининг экипажидан энг қизғин ва самимий қутловларни қабул қилишингизни сўраймиз. Азиз Леонид Ильич, Сизга сиҳат-саломатлик ва совет халқининг фаровонлиги ҳамда бутун дунёда тинчликни сақлаш йўлидаги жуда катта фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

«Салют-5» станциясининг бортидаги ишлар программаси тўла-тўкис бажарилганлигини Сизга маълум қиламиз. Биз бу учишни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг яқинлашиб келаётган 60 йиллигига бағишлашни хоҳлардик.

Экипаж командири полковник ГОРБАТКО,
Борт инженер подполковник-инженер ГЛАЗКОВ.

«Салют-5» орбитал илмий станциясининг экипажи, космонавтлар

Виктор Васильевич ГОРБАТКО,

Юрий Николаевич ГЛАЗКОВ

ўртоқларга

Азиз ўртоқлар! Телеграммангизни олдим, табригингиз учун самимий миннатдорчилик билдираман. Мен ва ишдаги ҳамкасбларим сизларнинг космосдаги учишингизни диққат билан кузатиб турибмиз. «Салют-5» станциясининг бортидаги тадқиқот ва экспериментлар программасини тўла-тўкис бажариб бўлганлигингиздан хурсандмиз. Учишни муваффақиятли тугаллаб, жонажон еримизга эсон-омон қайтиб тушишингизни тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда оғзаки сиёсий агитациянинг ролини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда шу нарса қайд этиладки, партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги ўз фаолиятларида матбуот, телевидение, радио, сиёсий ва иқтисодий маориф системаси лекция пропагандаси билан бир қаторда оғзаки агитациянинг турли формаларидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Ишлаб чиқариш илғорлари, халқ хўжалиги мутахассислари, раҳбар кадрлар орасидан танлаб олинган агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, докладчиларнинг катта отряди оммага партия сўзини тушунтириб бермоқда. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXV съездидаги докладида, унинг Марказий Комитет 1976 йил октябрь Пленумидаги нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни чуқур ўзлаштириб олишда, меҳнат коллективларининг ўнинчи беш йилликдаги вазифаларини тўла-тўкис тушунишда, ҳар бир кишининг шу вазифаларни ҳал этишга қўшадиган шахсий ҳиссасини уқиб олишда меҳнаткашларга ёрдам бермоқдалар.

Партия ташкилотлари оғзаки сиёсий агитациянинг партия ишлаб чиққан анъаналарига таяниб, унинг янги, янада самарали форма ва методларини қидириб топмоқдалар. Савол-жавоб кечалари, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар раҳбар ходимларининг аҳоли ҳузурида ой сайин айни бир вақтда ўтказадиган суҳбатлари (ягона сиёсий кунлар), ахборотчи-пропагандистлар группалари ва агитация бригадаларининг жойларга боришлари, митинглар, йиғилишлар ва гражданларнинг йиғинлари, оғзаки журналлар, Меҳнат шуҳрати ва Ҳосил байрамлари, мусобақа голибларини шарафлаш, ишчилар ва колхозчилар сафига қабул қилиш маросимлари, партия ветеранлари билан, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ҳамда бошқа оммавий тадбирлар кенг кўламда оммалашди.

Ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида муваффақиятли иш олиб бораётган докладчилар группаларига кўп ҳолларда партия комитетларининг биринчи секретарлари бошчилик қилмоқдалар. Ижтимоий-сиёсий турмушнинг актуал масалаларини тушунтириб беришда сиёсий ахборотчилар группалари ижобий иш олиб бормоқдалар. Мураббийлик ҳаракати ёшларга касб-кор ўргатиш, уларни сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг таъсирчан формаси бўлиб қолди.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети қайд этдики, партия комитетлари партия ички ва ташқи сиёсатини, меҳнат коллективларининг КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини тушунтириш учун, омманинг ижодий ташаббускорлиги ва ғайратини янада ривожлантириш, социалистик мусобақани авж олдириш учун оғзаки агитациянинг имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланмаётирлар.

Агитация-оммавий ишнинг мазмунида ва ташкил этилишида одамларнинг маълумот ва маданият савияси, уларнинг матбуот, телевидение, радио орқали хабардорлик даражаси доимо етарли равишда ҳисобга олинаётгани йўқ. Суҳбатлар, сиёсий ахборотлар, докладлар кўпинча ҳаммага маълум гапларни айтиб бериш билан чекланмоқда, меҳнаткашларни қизиқтираётган масалаларга жавоб бермаётир, маҳаллий ҳаётнинг энг муҳим проблемаларини, ахлоқий тарбия масалаларини четлаб ўтмоқда, мавжуд камчиликларни тугатишга диққат-эътиборни тортмаётир. Шундай фактлар ҳам учраб турибдики, партия ташкилотлари агитаторлар билан сиёсий ахборотчиларнинг сонини кўпайтириш кетидан қувиб, бу ишни яхши тайёргарлиги бўлмаган ўртоқларга топшириб қўймоқдалар, ўзларининг агитация активларига мунтазам равишда йўл-йўриқ бериб турмаётирлар, уларни зарур қўлланмалар, справка материаллари, методик тавсиялар билан таъмин этмаётирлар, уларнинг олдига мазкур коллектив, шаҳар, район учун актуал бўлган конкрет вазифаларни қўймаётирлар. Айрим корхоналарда агитация коллективлари умуман тузилмаган.

Кўпгина партия комитетлари докладчилар группаларининг планли ишлашини таъминламаётирлар, тарбиявий ишда қатнашишдан ўзларини четга олган коммунистларга, халқ хўжалиги мутахассисларига, раҳбарларга нисбатан лозим даражада талабчанлик қилмаётирлар. Аҳоли истиқомат қиладиган жойлардаги агитация-оммавий иш мунтазам олиб борилмаётир, бу иш асосан сайлов кампаниялари даврида ўтказилаётир. Жамоатчилик фикрини, одамларнинг кайфияти ва талаб-эҳтиёжларини ўрганиш, уларда туғилаётган саволларга ўз вақтида жавоб бериш учун оғзаки агитация воситаларидан дуруст фойдаланилмаётир.

Бу камчиликлар маълум даражада айрим партия ташкилотларида оғзаки агитацияга эътибор бўшаштириб юборилганлигининг оқибатидир, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг кенг тармоқли системаси мавжуд бўлган бир шароитда оғзаки агитациянинг аҳамияти гўё камаяди, деган нотўғри фикрнинг ифодасидир. Партия ташкилотларининг омма орасидаги сиёсий иши таъсирчанлигини янада кучайтириш манфаатларини кўзлаб оғзаки агитацияни ҳар томонлама такомиллаштириш зарур.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига совет кишиларини ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик руҳида ва ахлоқий тарбиялашда, уларни КПСС XXV съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан съездда қилган Ҳисобот докладида ва КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумидаги нутқида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар қилишда оғзаки агитациянинг ролини ошириш чораларини кўриш мажбуриятини юклади.

Қарорда таъкидлаб ўтиладики, оғзаки агитация партиявий фаолиятнинг муҳим соҳаси, партиянинг омма билан доимий алоқасининг, оммани партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида жипслаштиришнинг актив формаларидан бири, сиёсий раҳбарликнинг таъсирчан қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Одамлар билан жонли муомала қилишга асосланган оғзаки агитация одамларга таниш ва тушунарли бўлган конкрет, яққол фактлар ва мисоллар ёрдамида коммунистик қурилишдаги муваффақиятларни кўрсатиш, партия сиёсатини, партия ва давлат органларининг қарорларини тушунтириш, мусобақани ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат активлигини оширишга амалий таъсир ўтказиш, оммаларнинг кайфиятини ўрганиш ва ўз вақтида шунга яраша иш қилиш, камчиликлар, қийинчиликлар тўғрисида ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида одамлар билан ошкора гаплашиш, партиявий сўз билан ҳар бир кишининг дилига йўл топиш имконини беради. Коммунистик тарбияга доир жамики ишларни йўлга қўйишга комплекс ёндашишнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан вазифаси сиёсий агитацияни янада ривожлантиришни ва такомиллаштиришни тақозо этади.

(Давоми иккинчи бетда).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Италия — Совет савдо палатаси Бош ассамблеясининг мажлиси ўтказилиши муносабати билан Москвага келган Италия меҳнат ва социал таъминот министри Т. Ансельми хонимни 23 февраль куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат давомида СССР билан Италия ўртасида савдо-иқтисодий-саноат ва илмий техникавий ҳамкорлик масалалари ва уни ривожлантириш имкониятлари қараб чиқилди. Совет — Италия ҳамкорлигини кенгайтиришда Италия—Совет савдо палатасининг роли таъкидлаб ўтилди. (ТАСС).

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

24 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР прокуратура органлари раҳбар ходимларининг кенгаши бўлди. Унда республика прокурори, давлат иккинчи класс юстиция маслаҳатчиси Н. Б. Бўриҳўжаевнинг прокуратура органларининг 1976 йилги ишлари якуни ва КПСС XXV съезди талаблари асосида социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни яна да мустаҳкамлаш вазифалари ҳақидаги доклади муҳокама қилинди.

Кенгашда СССР прокуратураси коллегиясининг аъзоси, давлат иккинчи класс юстиция маслаҳатчиси Л. Ф. Ремнев нутқ сўзлади.

Прокуратура раҳбар ходимлари учун прокурорлик назоратини такомиллаштиришнинг айрим масалаларига бағишланган семинар машғулотлари ўтказилади. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ВА МАТБУОТ

Шонли тарихий сана — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси кун сайин кучайиб бормоқда. Унинг қатнашчиларига матбуотимиз катта ёрдам бермоқда, мусобақанинг боришини матбуот оператив равишда ва кенг миқёсда ёритиб турибди, зарбдор вахта илғорларига кўпгина материаллар бағишламоқда, иқтисодий обзорлар ва шарҳлар, танқидий мақолалар ва рейд бригадаларининг хабарларини босиб чиқармоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори матбуот органлари, телевидение ва радио зиммасига ҳозирги босқичдаги мусобақанинг асосий вазифалари, мазмуни ва хусусиятларини, мусобақага раҳбарлик тажрибасини батафсил кўрсатиб беришни юклади. Энг муҳим вазифа — публицистик воситаларнинг ҳамма шакл ва усуллари миллионларнинг ватанпарварлик ҳаракатини янада ривожлантиришга, КПСС XXV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программани рўёбга чиқаришга янада таъсирчан хизмат қилишига эришишдан иборат. Бунинг учун аввало мусобақа пешқадамларининг тажрибасига жуда эътибор билан, партиявий манфаатдорлиқ билан қараш зарур, чунки бу тажриба меҳнатнинг илғор усулларини, фан ва техника ютуқларини, ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий методларини жамулжам ифодалайди.

Матбуотдан ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигига эришиш ва иш сифатини яхшилаш йўлидаги курашнинг энг яхши намуналарини янада активроқ пропаганда қилиш талаб этилади. Бу намуналарни шунчаки пропаганда қилиш билангина чекланмасдан, балки илғор методларнинг бошқа коллективларга ҳам ёйиш йўлини изчиллик билан очиш керак. Ўнинчи беш йилликнинг фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш, ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва шу резервлардан фойдаланиш, қурилиш муддатларини ва қийматини камайтириш, харидоргир сифатли моллар ишлаб чиқришни кўпайтириш, аҳолига маиший хизматни кенгайтириш сингари энг муҳим проблемаларни ҳал этишга малакали таъсир ўтказиш лозим.

Масалан, «Алтайская правда» газетаси тўғри йўл тутмоқда. Бу газета ўлка қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг бош йўналишларини ажратиб олиб, шунга доир масалаларни пухта ўйлаб, аниқ мақсадни кўзлаб ёритмоқда. Чорва қишловини ташкил этишга бағишланган материаллар газетанинг ҳар бир сонида эълон қилинмоқда, ҳар гектар экинзорнинг самарадорлиги, кўкламга тайёргарлик кўриш, юбилей йилининг мўл ҳосили учун кураш тўғрисида мазмундор мақолалар босиб чиқарилмоқда. Газета энг яхши меҳнат қилаётган кишилар, беш йилликнинг фидокор жангчилари тўғрисида зўр самимият билан ҳикоя қилиб бермоқда.

КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ватанпарварлик ташаббуслари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг нўчма Қизил байроқлари билан тақдирланган коллективларнинг тажрибасини оммалаштириш матбуотнинг алоҳида гамхўрлик қилишини талаб этади. Эндиликда мусобақа ҳамма соҳаларни қамраб олувчи комплекс характер касб этганлигини ҳисобга олмасдан бўлмайди. Ҳатто ишчиларнинг энг фойдали ва умидбахш ташаббусини ҳам башарти билимдон инженер қўллаб-қувватламаса, яхши раҳбарлик бўлмаса, турдош коллективларнинг ишончли ўзаро ёрдами йўлга қўйилмаса, бу ташаббуснинг кўнгилдагидек самара олиш амри маҳол. Шу боисдан ҳам мусобақани мутахассислар, олимлар, конструкторлар ва лойиҳачиларнинг шахсий ҳамда коллектив ижодий планлари асосида матбуот орқали активроқ кўрсатиш, уларнинг ишчилар коллективлари билан ҳамдўстлигини ривожлантириш, фан билан ишлаб чиқаришнинг боғланишини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир.

Мусобақани ташкил этишнинг бутун системасини: иқтисодий жиҳатдан асосланган муқобил планлар ва мажбуриятларни ишлаб чиқишдан тортиб натижаларни анализ қилишгача изчиллик билан ёритиб бераётган газета ва журналларнинг тажрибаси қўллаб-қувватлашга сазовордир. Муайян давр ичидаги фаолият янўнларини кўрсатувчи умумий маълумотларнигина эълон қилишнинг нафи кам. Ошкоралигининг моҳияти ҳам шундан иборатки, матбуот анализ қилиши, мусобақадошларнинг куч-ғайратларини қиёс қилиш учун ҳар бир кишига имконият бериши, юксак кўрсаткичларга эришишни таъминлайдиган методлар билан танишиш, қолоқ звеноларда план ва мажбуриятлар бажарилмаслигининг конкрет сабабларини кўриш имкониятини бериши лозим.

Масалан, Воронеж область газетаси — «Коммуна» мусобақа тўғрисида шу тахлитда ёзишга интилмоқда. У ўз саҳифаларида илғор тажрибани пухта ўйлаб умумлаштирмоқда, қолоқларнинг нуқсонларини таҳлил этмоқда, «ўрта ҳоллар»нинг ишини яхшилаш резервларини очиб бермоқда.

Кўпгина матбуот органлари меҳнат мусобақасига бағишлаб махсус тематик саҳифалар бермоқда. Бироқ шу саҳифаларнинг материаллари ҳали ҳам баъзан учраб турадиган «унисидан озгина, бунисидан озгина» деган принцип асосида тайёрланмаслиги лозимлигини эслатиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Тажрибани батафсил ҳикоя қилиб бериш бу шаклининг қиммати, режанинг аниқлиги, мазмуннинг аҳамияти, редакцияларнинг ҳақиқатан ҳам энг муҳим проблемаларни жамоат диққат-эътиборига ўйя билиш, уларни жозибали тасвирлаб бериш маҳорати билан белгиланади.

Областлар, ўлкалар ва иттифоқдош республикалар ўртасидаги мусобақага янун ясаш вақтида газеталарнинг, шунингдек оммавий ахборот ва пропаганда бошқа воситаларининг биргалиқда материаллар тайёрлаши ижобий натижа бермоқда. Халқ хўжалигининг муҳим вазифаларини — турдош корхоналар ходимларнинг бир маромда ишлашини ва ўзаро мажбуриятларини бажаришини таъминлаш, Ноқоратупроқ ўлка қиёфасини ўзгартириш, Байкал-Амур магистралини қуриш, харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа вазифаларни комплекс ёритиш учун шу методни ишга солиш фойдалидир.

Социалистик мусобақа — сиёсий, меҳнатсеварлик ва ахлоқий тарбиянинг синалган мактабидир. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС Томск область комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги тўғрисида»ги қарорида қайд этиб ўтилганидек, ишни шу жиҳатига матбуот доимо эътибор бериб туриши лозим. Қилаётган ишларимиз жараёнида новатор ва ижодкор бўлган ҳозирги замон ишчиси, юксак гражданлик онгига эга бўлган ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўладиган инсон қандай етишиб чиқаётганлигини яққолроқ кўрсатиб бериш керак. Шу билан бирга масъулиятсизлик ва қизилсўзлик, уюшқоқсизлик ва хўжасизликнинг ҳар қандай нўринишларига, меҳнат интизомини бузиш ҳолларига зарба бериш муҳимдир.

Партия комитетлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарликни такомиллаштира бориб, ишдаги ленинчи услубни қарор топдириш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш учун шу воситаларнинг ижтимоий кучидан янада тўлиқроқ фойдаланишлари керак.

(«Правда» газетасининг 23 февралдаги бош мақоласи).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ XI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон касаба союзларининг XI съезди 1977 йил 3-4 мартда Тошкентда, Алишер Навоий номли давлат академик опера ва балет катта театри биносида (Киров кўчаси, 28-уй) ўтказилади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг Мажлислар залида (Правда Востока кўчаси, 24-уй) 1 март куни соат 12 дан 18 гача ва 2 март куни соат 9 дан 18 гача рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ. Ғузор районидаги «Ғузор» давлат наслчилик заводининг 3-фермаси чўпон-чўлиқлари ўз отларидаги совлиқларни қишловдан бечиқим олиб чиқиш учун нурашмоқдалар. Улар айни пайтда қўзилатиш мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Яйлов баҳодирлари ўз боқимларидаги ҳар юз совлиқдан 185-200 тадан қўзи олишмоқчи. Суратда: (чапдан) илғор чўпонлардан Жўра Сатторов ва Бобоёр Эшқувватов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ЯХШИРОҚ, САМАРАЛИ ИШЛАЙМИЗ

САМАРҚАНД

Бу ерда меҳнаткашлар намояндаларининг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан шаҳарнинг мукофотланишига бағишланган митинги бўлиб ўтди.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ишлаб чиқариш программасининг бажарилишига самарқандликлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Иккинчи йил ҳам яхши бошланди. Самарқанд шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Плотников митингда самарадорлик ва сифатни янада ошириш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида гапирди. Сўзга чиққан нотиқлардан Темирйўл район партия комитетининг биринчи секретари В. И. Давиденко, «Ҳужум» фабрикаси партия бюросининг секретари Э. Лутфуллаева, чинни заводининг рассоми Р. Иброҳимова, «Хлопкомаш» заводининг электр пайвандчиси Л. М. Ламнин орденли Самарқанд меҳнаткашлари беш йилликнинг иккинчи йилида меҳнатда янги юксак марраларни эгаллайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

ТОШКЕНТ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллаган ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган мамлакат илғор корхоналари қаторида Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина меҳнат коллективлари ҳам бор. Улар ўтказилаётган митингларда ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор этмоқдалар, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан нишонлашга интилаётганликларини айтмоқдалар.

«Висотстрой» трестига қарашли биринчи қурилиш бошқармасининг ходимлари митингни баланд руҳ билан ўтказдилар. Уларнинг кўплари республика пойтахтидаги коёб биноларни барпо этишда, пойтахт марказида архитектура ансамблини вужудга келтириш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Висотстрой» трестига қарашли қурилиш бошқармасининг коллективи ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият олди. Бу мажбуриятда беш йилликнинг дастлабки икки йили планини Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача бажариш кўзда тутилади.

ҚАРШИ

Беш йилликнинг биринчи йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра Ўзбекистон геология разведкачилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотландилар. Бу хабар «Ўзбекнефтегазразведка» бирлашмасининг барча пармалаш бригадаларига гоят тез ёйилди. Коллективда ана шу қувончли воқеага бағишланган митинг бўлиб ўтди.

— Меҳнатимизга юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз, — деди пармаловчи В. Корнейчук. — Юксак мукофот бизни янада яхшироқ ишлашга, геология-разведка ишларининг юксак самарадорлигини оширишга даъват этади.

Ўзбекистон ер ости бойликларининг разведкачилари беш йилликнинг биринчи йилида ўз планларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажардилар.

Митинг қатнашчилари 1977 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар: чуқур структура — қидирув-пармалашда проходка йиллик планини 25 декабргача тугаллашга, газ запасларини кўпайтириш топшириғини Октябрнинг 60 йиллигигача бажаришга қарор қилинди.

АНДИЖОН

Андижон саноат корхоналари, қурилиш коллективларининг пешқадамлари, партия ва ҳўжалик ташкилотларининг вакиллари шаҳарга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилишига бағишланган митингга тўпландилар. Митингда сўзга чиққан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. Ҳамидов, машинасозлик заводининг слесари В. Тимохин ва бошқа нотиқлар юксак мукофот партил XXV съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қурашда шаҳар меҳнаткашларининг кучигакуч, ғайратига-ғайрат қўшади, деб айтишди.

— Биз меҳнат аҳли тўғрисида меҳрибонлик қилаётганлиги учун партия ва ҳукуматдан чексиз миннатдормиз, — деди Володарский номли фабриканинг тикувчимотористи С. Мўйдинова.

Андижонликлар йиллик планни 16 декабргача бажаришга, қўшимча равишда 16 миллион сўмлик саноат маҳсулоти етказиб беришга бўлган азму-қарорларини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА ҲИКОЯЛАР

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларида ва бўлимларида ўрнатилган тахталарга КПСС XXV съездидан кейин корхонанинг иши тўғрисида ҳикоя қилувчи рақамлар ёзиб қўйилган. Бу рақамлар эса самолётсозларни қувонтиради. Бирлашма коллективи съезд тарихий қарорларида белгилаб берилган вазифаларни бажара бориб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ўз ишининг барча сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш учун кўпгина иш қилди.

Юзлаб агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар цехларда КПСС XXV съезди очилишининг йиллигига бағишлаб суҳбат ўтказмоқдалар. Партия комитети уларга ёрдам бериш мақсадида махсус бюллетень чиқарди. Бу бюллетенда бирлашма ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисидаги асосий маълумотлар келтирилган, айрим бригадалар ва участкаларнинг, социалистик мусобақа илғорларининг эришган муваффақиятлари кўрсатилган.

Бирлашманинг бир қанча бўлимларида КПСС XXV съездига бағишланган назарий конференциялар бўлиб ўтди. Ана шу конференцияларни ўтказишда партия комитети сиёсий маориф кабинети пропагандистларга яқиндан ёрдам берди.

КПСС XXV съездининг делегатлари — бирлашма директори В. Н. Сивец ва разметкачи Е. Ф. Грязева шу кунларда самолётсозлар ҳузурида суҳбат ўтказмоқдалар. Уларнинг партия анжумани иши тўғрисидаги, съезд қарорлари муваффақиятли амалга оширилаётганлиги ҳақидаги ҳикояларини ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар зўр қизиқиш билан тингламоқдалар.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМ САЛЮТИ

23 февраль оқшоми Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон шаҳар — Москва осмони Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти 59 йиллигини нишонловчи мушакбозлик нурлари билан ёришиб кетди. Шу оқшом иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тула, қаҳрамон қалъа— Брест ҳам байрам салюти билан нурафшон бўлди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Фарғона область меҳнаткашлар депутатлари Охунбобоев район совети ижроия комитетининг раиси Мадамин Аҳмадалиевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, СССР енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министри Василий Николаевич Доенинга 1977 йил 23 февраль куни 68 ёшида тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошқи биринчи бетда).

Сиёсий агитация меҳнаткашларни марксча-ленинча дунёқараш, коммунистик эътиқод, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири деб қаралиши керак. Агитация-оммавий тадбирлар содир бўлаётган воқеаларни ва меҳнаткашларда туғилаётган саволларни ўз вақтида, малакали тушунтириб беришни таъминлайдиган бўлишига, одамларни чинакам қизиқтиришига, уларнинг ижодий куч-ғайратини ўстиришига, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга руҳлантиришга эришиши зарур. Активист-агитаторлар партиявий сўз орқали, меҳнат ва ахлоқ намунаси орқали одамларни меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш, топширилган иш учун масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаши керак. Шу билан бирга улар интизомсизлик, ичкиликбозлик, безорилик, халқ мулкини талон-торож қилиш, юлғичлик, очкўзлик, сўкиниш ва бошқа салбий ҳодисаларнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришлари, буржуа пропагандасининг туҳмат уйдирмаларини далил-исботлар билан фош қилиб ташлашлари керак.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига оғзаки сиёсий агитациянинг асосий бўғинларини такомиллаштириш таклиф этилди.

Бошланғич ва цех партия ташкилотлари ҳузурида тузиладиган агитация коллективларининг фаолиятини жиддий равишда яхшилаш, уларнинг иши юқори сифатли бўлишини таъминлаш, миндор кўрсаткичлари кетидан қувмаслик зарур деб топилди. Аввало коммунистлар, шунингдек энг обрўли партиясиз активлар агитатор қилиб тасдиқланиши лозим. Шу муҳим партиявий топшириқни ишониб топширса бўладиган мастерлар, бригадирлар ва ўрта бўғинга мансуб бошқа раҳбарлар агитация коллективларига кенг жалб этилиши зарур.

Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро аҳвол масалаларини билимдонлик билан шарҳлаб бера оладиган, коммунистик ахлоқ, совет турмуш тарзи принципларини ва нормаларини тушунтира оладиган, назарий жиҳатдан пухта, тажрибали активлар ҳисобига сиёсий ахборотчилар составини мустаҳкамлаш лозим. Партия комитетлари ҳузурида, шунингдек тегишли кадрлар бўлган бошланғич партия ташкилотларининг бюролари ҳузурида сиёсий ахборотчилар группаларини тузиш практикаси маъқулланди.

Меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашда раҳбар кадрларнинг доимий ва мажбурий қатнашувидан иборат ленинча анъанани ҳар томонлама ривожлантириш, шу мақсадда хилма-хил иш формаларидан фойдаланиш муҳимдир. Район, шаҳар, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари докладчилари группаларининг фаолияти активлаштирилиши лозим. Раҳбарларнинг ўзлари бошчилик қилаётган министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар иши тўғрисида аҳоли ҳузурида мунтазам суҳбатлар ўтказишларини таъминлаш зарур.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш учун одамлар билан шахсий мулоқотда бўлиш имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, докладчиларга тушадиган саволларни, таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни мунтазам равишда умумлаштириш ва анализ қилиш, уларга ўз вақтида жавоб бериш, шулар юзасидан қабул қилинган амалий тадбирлар тўғрисида меҳнаткашларни хабардор қилиб туриш керак.

Партия комитетларига оғзаки пропагандани ташкил этишда ва унинг мазмунида халқ хўжалиги турли тармоқларидаги, мамлакат районларидаги одамлар меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилди. Ҳали телевидение етиб бормаган олис районларда, янги ташкил этилаётган коллективларда, хотин-қизлар меҳнати устун бўлган тармоқларда, маиший хизмат соҳасида, дала шийпонлари ва чорвачилик фермаларида, оз сонли коллективларда агитация-оммавий ишни йўлга қўйишга, одамлар билан, айниқса ёшлар билан якка тартибда ўтказиладиган ишларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Аҳоли истиқомат қиладиган жойларда, аввало меҳнат коллективлари билан боғланмаган аҳоли қатламлари ўртасида ва ётоқхоналарда яшовчи ёшлар ўртасида планли ва мунтазам оммавий-сиёсий иш ўтказиш зарурлиги уқтирилди. Шу мақсадда маданият уйларидан, клублар, кутубхоналар, кино-театрлар, мактаблардан ва муассасаларнинг қизил бурчаклари, маҳаллалардан яхшироқ фойдаланилиши керак, ёзги агитация майдончалари тармоғи кенгайтирилиши лозим. Агитация ишини маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш билан актив равишда қўшиб олиб бориш зарур. Микрорайонларнинг жамоат кенгашлари ҳузурида меҳнаткашларда туғилаётган саволларга жавоб берадиган активист консультантлар группаларини тузиш, бу ишга педагоглар, юристлар, врачларни, маданият ходимлари ва бошқа мутахассисларни кенг миқёсда жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва докладчиларга оператив равишда йўл-йўриқ бериш, уларни назарий ва методик жиҳатдан тайёрлашни яхшилаш чораларини кўриш таклиф этилди.

Партия комитетлари суҳбатлар, сиёсий ахборотлар, докладларнинг намунавий тематикасини мунтазам равишда ишлаб чиқишлари, бу тематикани, матбуот, телевидение, радио, лекция пропагандаси чиқишлари билан мувофиқлаштириб олиб боришлари, партия ташкилотларига сиёсий агитация активларига ёрдам тариқасида актуал масалаларга доир қўлланмалар ва бошқа материалларни юбориб туришлари зарур.

Партия комитетлари ва партия бюролари агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларга конкрет, амалий йўл-йўриқ бериб турилишини таъминлашлари, бу ишга малакали лекторларни, партия, совет, хўжалик органларининг раҳбарларини жалб қилишлари лозим. Партия ташкилотларининг корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда справка-ахборот марказлари тузиш соҳасидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, докладчилар бошқа жамоат топшириқлари билан ортиқча банд қилиб қўйилмаслигига, актив ишларганлик учун уларни рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

Агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларни тайёрлаш учун марксча-ленинча таълим системасидан кенгроқ фойдаланилади. Сиёсий ахборотчиларнинг мактаблари ва семинарлари партиявий ўқишнинг таркибий қисми бўлиб қолади. Агитаторлар шуғулланадиган марксизм-ленинизм асослари мактабларида агитация-оммавий иш назарияси ва методикаси масалаларини ўрганиш кўзда тутилади. Шаҳар, район, партия комитетлари ва йирик партия комитетлари ҳузурида агитация коллективлари раҳбарларининг доимий семинарлари ташкил этилиши лозим. Шу бўғинлар учун махсус тавсиялар, программалар ва ўқув планлари ишлаб чиқилади. Олий партия мактаблари, марксизм-ленинизм университетлари, партия активи мактабларининг партия қурилиши курсига доир ўқув планларига сиёсий агитация проблемаларини ўрганишни кенгайтириш ҳам таклиф этилди.

Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари зиммасига агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларга методик ёрдам беришни ташкил этиш, улар учун справка, ахборот материалларини, агитация ишида техникавий воситалардан ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш тўғрисидаги тавсияларни тайёрлаш, тўпланган тажрибаларни умумлаштириш вазифаси юклатилди. Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари ҳузурида агитация-оммавий иш масалалари билан шуғулланувчи методик кенгашлар тузилиши зарур.

«Агитатор» журналининг, республикалардаги сиёсий агитация масалаларини ёритувчи журналларнинг, ўлкалар, областлардаги «Агитатор блокнотлари»нинг агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, докладчиларга уларнинг хусусиятлари ва вазифаларини ҳисобга олиб, мунтазам равишда малакали ёрдам беришни таъминлаш соҳасидаги вазифалари белгилаб берилди. Бу журналлар оғзаки чиқишларнинг намунавий тематикасини, КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ партия ички ва ташқи сиёсатининг, ҳўжалик ва маданий қурилишнинг актуал масалалари юзасидан ўтказиладиган суҳбатларнинг методик лойиҳаларини, йўл-йўриқ ва ахборот берадиган бошқа материалларни мунтазам равишда эълон қилиб туришлари, уларни далил-исботлар билан, мароқли фактлар, рақамлар, мисоллар, қиёслар билан бойитишлари, шунингдек агитация-оммавий ишнинг ижобий тажрибасини тўлиқроқ кўрсатиб беришлари лозим.

Марказий ва маҳаллий газеталарнинг редакциялари агитация-оммавий иш масалаларини, оғзаки агитацияга партиявий раҳбарлик тажрибасини кенг миқёсда ёритишлари керак. Сиёсий адабиёт нашриётига оғзаки сиёсий агитацияга бағишланган ўқув қўлланмаси, агитатор кутубхонаси, агитация-оммавий иш тажрибасини умумлаштирадиган ҳамда методикасини кўрсатиб берадиган, китоб ва брошюралар чиқаришни таъминлаш топширилди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясига илмий тадқиқотлар планларида ҳозирги шароитдаги сиёсий агитациянинг назарий ва методик проблемаларини ишлаб чиқишни кўзда тутиш таклиф этилди.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ МАНБАИ

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилга зўр меҳнат ва сиёсий кўтаринкилиги вазиятида кириб келди. КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари, Улуғ Октябрь юбилейига тайёргарлик меҳнат аҳли ижодий куч-ғайратини янада ошириб юборди. Совет кишилари КПСС XXV съезди қарорларини собитқадам амалга оширишга маҳкам бел боғлаган ҳолда шонли санага муносиб тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини бажаришда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари муайян ютуқларга эришдилар. Давлат комитети бўйича китоб маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 113 процент бажарилди. Айниқса, Ғафур Ғулом номли нашриёт, Ўзбек Совет Энциклопедиясининг Бош редакцияси, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи» ва «Медицина» нашриётлари босма маҳсулоти ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажардилар. «Фан» ва «Ёш гвардия» нашриётлари фаолияти ҳам чакки бўлмади.

Ўтган йилнинг яна бир қувончли томони шунда бўлдики, планда белгиланган нашрлар муқим бўлиб қолди. 1975 йилда келгуси йилга 29 номдаги китоб нашри ўтказилган бўлса, бултур бу рақам 12 тага қисқарди. Бу йилги вазифа — бирорта ҳам нашрнинг келгуси йилга ўтказилмаслигига эришишдан, белгиланган нашрларни ўз вақтида чиқаришдан иборат.

Полиграфия корхоналари маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 104,5 процент бажаришди. Меҳнат унумдорлиги планини республикадаги барча босмахоналар ва область бошқармалари муваффақиятли адо этишди. Бу кўрсаткич бир йил ичида 5,7 процент ошди. Пландан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Республика полиграфия корхоналари нашриётлар билан алоқаларни мустаҳкамладилар.

Нашриётлар ва полиграфия корхоналарининг биргаликда сарфлаган куч-ғайрати туфайли китобларнинг бадиий безаги сифати ва полиграфик ижроси анча яхшиланди. Уч йилдан буён Ўзбекистон китоблари Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ўртасида ўтказиладиган конкурсда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Қатор нашрлар Бутуниттифоқ конкурслари ва кўргазмаларида дипломлар билан тақдирланди.

Китоб нашр этиш, тасвирий санъат маҳсулотларига уларнинг реализация этилишига қараб баҳо берилади. Шу жиҳатдан олганда китоб савдоси Ўзбекистон бирлашмаси товар оборотини ялпи планини 107,8 процент бажарди.

«Ўзбекистон» нашриёти, офсет босма фабрикаси ҳамда Давлат комитетининг Андижон область китоб савдоси коллективлари 1976 йил халқ хўжалик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлари ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Республика нашриётлари адабиёт нашр этишда аввалгидек ҳозир ҳам ўзларининг асосий диққат-эътиборларини КПСС сиёсатининг битмас-туганмас ҳаётий кучини тасвирловчи китоблар чиқаришга қаратмоқдалар. Шу тариқа улар коммунизм моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу китоблар коммунистик инсонпарварлик принципларини улуғлайди, пролетар интернационализми ғояларини тараннум этади, буржуа идеологиясининг реакцион моҳиятини фош этади.

Давлат комитети ва республика нашриётлари нашр этилаётган адабиётларнинг мазмундорлигини ошириш, бадиий безаги ва полиграфик ижросини яхшилаш устида жиддий иш олиб бормоқдалар. Нашриётларнинг рентабеллигини ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Бунинг учун китобларнинг тиражини тўғри белгилаш практикаси такомиллаштирилмоқда, китоб савдоси ташкилотларининг иши мувофиқлаштирилмоқда. Меҳнатни ташкил этиш яхшиланиб, нашриёт маҳсулоти таннархи камайтирилмоқда. Қоғоз ва муқова материалларини тежаш ишлари олиб борилмоқда.

Китобларнинг олтин фонди марксизм-ленинизм классиклари асарлари билан анча бойиди. «Ўзбекистон» нашриёти «К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида» китобининг биринчи томини, В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг навбатдаги етти томини (21—27 томларини) нашр этди. Тошкент полиграфия комбинати, шаҳардаги биринчи ва учинчи босмахоналар, офсет босма фабрикаси базасида В. И. Ленининг «Ешлар союзларининг вазифалари тўғрисида». «Мусобақани қандай ташкил этиш керак», «Буюк почин» ва бошқа асарлари дид билан чиқарилди. Қорақалпоқ тилида доҳийнинг «Марксизм ва ревизионизм», «Партиянинг бирлиги» асарлари тўплами нашр этилди.

«Ўзбекистон» нашриёти мамлакатда биринчилар қатори КПСС XXV съезди материалларини беш номда ҳамда «Л. И. Брежнев. Қисқача биографик очерк» китобини босиб чиқарди. КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилиш юзасидан ўн етти номда брошюра чиқарди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси XIX съездида қилган ҳисобот доклади ҳамда бошқа фундаментал нашрлар чиқарилди.

Ғафур Ғулом номли нашриёт чиқараётган китобларнинг гоявий ва бадиий савияси ошди. Бу нашриёт тематикасида бадиий адабиёт, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликнинг барча жанрлари ўз ифодасини топган. Музика, тасвирий санъат ва санъатга доир бошқа адабиётларни нашр этиш кўпайди. Нашриёт атоқли сўз усталари асарлари тўпламлари ва танланган асарларини чиқариш йўлида собитқадам иш олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий бадиий танқид тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ёш ижодкор зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажариш юзасидан катта иш олиб борилмоқда. Бу қарорлар нашриётларимиз фаолиятида бурилиш ясади, улар берилаётган буюртмаларга қаттиқ эътибор бериб, адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича чиқариладиган китобларга республиканинг етакчи мутахассисларини ва қобилиятли ижодкор ёшларни кенг жалб этмоқдалар.

Кейинги йилларда Ғафур Ғулом номли, «Ёш гвардия», «Қорақалпоғистон» нашриётлари ёш авторларнинг 85 номдаги китоб ва брошюраларини чиқаришди. Бир қанча китобларни ёш рассомлар безашди. «Ёш авторнинг биринчи китоби» сериясида китоблар чиқариш нашриёт анаънасига айланмоқда. Ёш ижодий зиёлилар билан ўқув-методика ишлари олиб бориш йўлга қўйилди. Бу иш нашриёт директорлари ва бош редакциялари раҳбарлигида олиб борилиб, унга республиканинг етакчи адиблари кенг жалб этилмоқда. Ғафур Ғулом номли нашриётда Пабло Неруда номидаги клуб ишлаб турибди. Унга ёш ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, публицистлар, танқидчилар, адабиётшунослар, композиторлар, музикачилар, санъатшунослар, артистлар, рассомлар ўошган.

«Фан», «Ўзбекистон», Ғафур Ғулом номли, «Медицина», «Қорақалпоғистон» нашриётларида фан-техника, медицинанинг энг муҳим проблемалари бўйича катта илмий-тадқиқот асарлари нашр этилди. Улар орасида Беруниийнинг танланган асарлари, Ойбек тўла асарлар тўпламининг V-VII томлари, «Совет Шарқи адабиётларида социалистик реализмнинг манбалари, шаклланиши ва ривожланиши», «Ўзбек адабиёти ярим аср ичида», «Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ресурслари», «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» ва бошқа асарлар бор.

1976 йил дарсликлар чиқариш, ўсмирлар ва болалар учун китоб нашр этиш, музика нашрларини чиқаришда нашриётлар фаолияти янада такомиллашган йил бўлди. «Ўқитувчи», «Қорақалпоғистон», «Медицина» нашриётлари бу олижаноб ишга катта ҳисса қўшдилар. 1976 йилда янги программалар бўйича тўла комплект дарсликлар нашр этиш ниҳоясига етди. Шу тариқа дарсликлар чиқариш бўйича нашриётлар олдига қўйилган вазифа асосан муваффақиятли ҳал этилди.

Нашриётлар асарлар қўл ёзмасини ва нашр этилган китобларни рецензия қилиш юзасидан доимий иш олиб бормоқдалар. Жуда муҳим нашрлар, редакцион коллегиялар томонидан тайёрланмоқда. Нашриётларда редакция кенгашлари ва бадиий кенгашлар актив ва самарали иш олиб бормоқда. Нашриётларнинг вақтли матбуот, радио ва телевидение орқали китобларни реклама қилиш ишлари жонланди.

Нашриётлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига тайёргарлик бўйича планда белгиланган тематикани бойитиш устида иш олиб бормоқдалар. Улар ҳозирги босқичда социалистик мусобақанинг мақсади, мазмуни ва хусусиятларини чуқур очиб берувчи китобларни нашр этишни планлаштирмоқдалар. Ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаси кенг пропаганда қилинмоқда.

Китоб нашр этишда ҳали катта ва мураккаб проблемалар ҳам борки, улар ҳамиша ҳам кўнгилдагидек ҳал этиляпти деб бўлмайди. Аввалгидек ҳозир ҳам китобларнинг гоявий-назарий ва бадиий савиясини ошириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Республика нашриётлари қўлёмаларни нашрга тайёрлашда, авторларни танлашда талабчанлик ва принципиалликни кучайтирмоқдалар. Лекин бу соҳада хато ва нуқсонлар йўқ эмас. Тематик планларни бажариш учун нашриётлар ва полиграфия корхоналарининг бир меъёрда иш олиб бориши лозим. Нашриётлар бу ўринда ташкилотчилик ролини ўйнаши керак.

Ҳозирги вақтда китоб нашриётлари ва полиграфия корхоналари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган китоблар чиқариш устида қаттиқ иш олиб бормоқдалар. Улар 400 нашриёт листи ҳажмида бир миллионга яқин китобни нашр этишлари керак. Юбилей нашрлари безаги жиҳатидан аъло бўлиши ва юксак полиграфик даражада ижро этилиши лозим.

Шу йил сентябрь ойида «Китоб — тинчлик ва тараққиёт хизматида» шиори остида Москвада биринчи халқаро ярмарка-кўргазмаси очилади. Бу катта кўрикка тайёргарлик масаласи Давлат комитетининг яқинда бўлиб ўтган коллегиясида муҳокама этилди. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида намойиш қилинадиган ярмарка-кўргазмасида етакчи нашриётларимизнинг китоб маҳсулоти намуналари намойиш этилади. Бу китоб анжуманида ўн беш қардош совет республикаларидан ташқари социалистик мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек АҚШ, Англия, ГФР, Японияннинг энг йирик нашриётлари ҳам қатнашади.

Биринчи халқаро китоб ярмарка-кўргазмаси халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиши турган гап. Ўзбекистон китоб нашриётлари ходимлари ва полиграфчиларининг бурчи эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, жаҳон китоб ноширлари халқаро анжуманига яхши тайёргарлик кўришдан иборат.

З. ЕСЕНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси.



Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада меҳнат қилаётган «Ташселмаш» заводи коллективи бу йил Иттифоқимиз пахтакор хўжаликларига ҳар қачонгидан кўп «зангори нема»лар етказиб беришга аҳд қилган. Суратда: корхонанинг илғор ишчиси А. Мирхўжаев. Завод конвейеридан чиқаётган ҳар бир терим машинасида унинг катта ҳиссаси бор.

А. Тўраев фотоси.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ОЛДИДАН

«ҒОЯТ УНУМЛИ ИШЛАЙМИЗ». Ф. Дзержинский номли Бекобод цемент комбинатининг коллективи 16 апрель куни учун ўз зиммасига ана шундай мажбурият олди.

— Коммунистик шанбалик куни, — деди печь катта мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қосим Фармонов, — ишнинг юқори сифатли бўлиши билан ҳам нишонланади. В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллигига ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган меҳнат байрамига ишчилар ва хизматчилар билан бирга корхона ветеранлари ҳам чиқадилар. Ҳозир бу ветеранлар пенсияга чиқишган.

Шанбалик кунида 2600 тонна цемент, 120 тонна оҳак, одатдагидан кўп шифер ва асбоцемент қувур ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Комбинат «Қизил шанбалик» кунида жами пландан ташқари тўрт минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

* * *

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» КОЛЛЕКТИВИ МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА. Тўқимачилик машиналарининг ижодкорлари коммунистик шанбалик кунини энг юқори меҳнат унумдорлиги, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлашга қарор қилдилар.

— Бу йилги «Қизил шанбалик» алоҳида шанбаликдир, — деди митингда слесарь, ремонт-механика цехи партия ташкилотининг секретари В. Семенюк. — Бу шанбалик Улуғ Октябрнинг 60 йиллигида ўтказилади. Шу боисдан биз шанбалик куни зўр ғайрат билан ишлаймиз.

Яқдиллик билан шанбалик тадбирлари белгиланди.

* * *

ГУЛИСТОН ПАХТА ЗАВОДИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ москваликларнинг 16 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини баланд руҳ билан кутиб олди.

Бу ерда бўлиб ўтган митингда заводнинг кўпгина ишчилари шанбалик куни учун ўз зиммасига шахсий мажбурият олишди. Линтерчилардан Насиба Солиева билан Анна Юдина ва корхонанинг бошқа ходимлари смена топшириғини анча ошириб бажаришга қарор қилдилар. Уларнинг кўпгина ўртоқлари пешкадамлардан ибрат олмоқдалар.

Коммунистик шанбаликда 180 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу куни тўқимачилик хом ашёси нукул аъло навли қилиб ишлаб чиқарилди.

ДЎСТЛИК КУЧИМИЗГА КУЧ ҚЎШАДИ

Мамлакатимиздаги кўпгина корхоналарнинг коллективлари Чепель металлургия ва машинасозлик комбинатинг меҳнатчилари билан замон синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлаган. Москвадаги қувур заводида, «Красный пролетарий» заводида, Ленинграддаги «Кировский завод» ва «Красный виборжец» бирлашмаларида, Украина металлургия заводларида чепелликлар тайёрлаб чиқарган самарали ва пишиқ машина-ускуналарга муносиб равишда юқори баҳо берилмоқда. Лекин шу кунларда Венгриядаги донг чиқарган корхона тўғрисида унинг ишлаб чиқаришда эришган муваффақиятлари муносабати билангина гапириладиган йўқ: ўзининг революцион ва интернационал анъаналарига содиқ бўлган Қизил Чепель коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа ўтказиш ташаббускори ҳам бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бу ташаббусга юқори баҳо берди.

Чепель комбинати делегацияси Москвага келди. Делегация составида ватанпарварлик ташаббуси ижодкорларидан бири, социалистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Йожеф Хорват ҳам бор. Йиғувчилар турдош касб эгалари билан биргаликда буюртмачиларга — совет корхоналарига жўнатиш учун 40 та радиал-пармалаш станогини ва 12 та мураккаб товар автоматини муддатидан аввал тайёрлашга сўз бердилар. Машинасозлар ишлаб чиқариш графигини максимал зичлаштириш, резервларни пухта чамалаб кўриб станокларни ишлаб чиқаришни йиллиннг биринчи ярми охиригача тугаллашга, токарлик уқуналарини совет ишчиларига 7 ноябргача топширишга аҳд қилдилар. Бригада ўз зиммасига олган мажбуриятни муваффақиятли бажармоқда. Яқиндагина йиғувчилар учун самарадорлик чеки бўлиб кўринган ўша тиғиз графикни ҳам коллектив смена сайин ошириб бажармоқда.

Металлурглар ва машинасозлар кетидан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага ВХР халқ хўжалиги турли тармоқларидаги юзлаб корхоналарнинг меҳнатчилари ҳам қўшилдилар. Й. Хорват бошчилик қилаётган бригадага ҳозир кўплаб хат-хабарлар келиб турибди. Йиғувчилар совет дўстларидан ҳам хатлар олмоқда. Улар шонли юбилей шарафига эришаётган ўз меҳнат зафарлари ҳақида хабар қилмоқдалар. СССРдаги энг йирик заводларнинг коллективлари Венгрия корхоналарининг, бошқа қардош социалистик мамлакатлардаги фабрика ва қурилишларнинг буюртмаларини муддатидан илгари бажаришга сўз бердилар.

— Мен Советлар мамлакати тўғрисида, Москва ҳақида, совет кишилари тўғрисида кўп нарса ўқиганман, — деди Й. Хорват, — шу боисдан СССР пойтахтида бўлиш мен учун катта бахтдир.

Б. ГРИШЧЕНКО,
ТАСС мухбири.

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти 59 йиллиги муносабати билан кўпгина мамлакатларда гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет солдатлари ва офицерларининг ёдгорликлари ёнига ва қабрларига гулчамбарлар қўйиш тантанали маросимлари ўтказилди.

Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия ва Югославияда гулчамбарлар қўйиш тантанали маросимлари бўлиб ўтди.

Европа халқларини фашистлар зулмидан озод қилиш учун олиб борилган курашда ўз жонларини фидо қилган совет жангчиларининг Ғарбий Берлин, Вена, Бонн, Рим, Брюссель, Гаага ва бошқа шаҳарлардаги ёдгорликлари ёнига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«РАИСНИ НЕГА ПАРТИЯДАН ЎЧИРИШДИ»

Газетамизнинг 8 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Олтиариқ район партия комитетининг иш услубидаги нуқсонлар, хўжаликка раҳбарлик, кадрлар билан ишлаш, бошланғич ташкилотларнинг ролини ошириш соҳаларида йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари М. Султонов партия ҳаёти нормаларини бузиб, коллегиал раҳбарлик принципларига риоя қилмай қўйди. Натижада КПСС Устави талаблари бузилди, районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган, экономикаси муттасил ривожланиб бораётган, пахтачилиннн комплекс механизациялаш жадал тус олдирилган «Комсомол» колхозининг раиси асоссиз равишда партиядан ўчирилди.

Фарғона область партия комитетидан олинган жавобда айтилишича, текширишда мақолада кўрсатилган фактлар тўғри топилган ва текширишнинг натижалари область партия комитетининг 15 февралдаги бюро мажлисида атрофлича муҳокама қилинган. Область партия комитетининг бюроси Олтиариқ район партия комитети бюросининг «Комсомол» колхозининг раиси Ғулом Ҳидировни КПСС Уставига зид равишда партиядан ўчириш тўғрисида қабул қилган қарорини бекор қилди. Райком бюросига бу масалани қараб чиқишда юзакичилик ва шошмашошарликка йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди.

Область партия комитетининг бюроси Ғ. Ҳидировнинг колхоз раиси вазифасидан бўшатилишини ҳам нотўғри деб топди. Шу йил 15 февраль куни «Комсомол» колхози аъзоларининг умумий йиғилишида коммунист Ғ. Ҳидиров ўз вазифасига тикланди. Район партия комитетининг бюро мажлисида ўзини тутабилмаганлиги ва КПСС Устави талабларининг бузилишига йўл қўйгани учун Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Султоновга виговор эълон қилинди.

Олтиариқ район партия комитетининг бюро мажлисида иштирок этган область партия комитетининг бюро аъзоси, область ижроия комитетининг раиси Ҳ. Умаровнинг Ғ. Ҳидировни КПСС сафидан ўчириш масаласи қараб чиқилаётган пайтда принципсизлик қилгани кўрсатиб ўтилди.

Область партия комитетининг бюроси Олтиариқ район партия комитетининг ишидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

БЕШ ЙИЛЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ДАРҒА

Қўрғонтепадан бешта қаҳрамон чиқди. Бешови ҳам Ленин орденли «Савай» совхозида ишлаб камол топди. Улар: Қўчқор Авазматов, Ойзода Туланова, Бозорбой Абдураҳмонов, Узоқбой Саримсоқов, Найни Маматқодиров! Беш дарға, беш Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Қўчқор Авазматов совхознинг бешигини тебратган директорлардан. Ойзода Туланова совхоз чорваси гамида кўп меҳнат қилди, шу соҳанинг чинакам қаҳрамони даражасига кўтарилди. Узоқбой Саримсоқов ўн йил курашиб, «Савай»да машинага кенг йўл очди. Избосканда ҳам шу йўлдан борди. Бозорбой Абдураҳмонов бош бўлган йилларда совхоз камолот чўққисига чиқди, ялпи ҳосилда бутун республикада рекорд қўйди.

Найни Маматқодиров маккажўхоридан ҳосил олишда энг юқори погонага кўтарилди. Қўйида ана шу беш қаҳрамоннинг бири — Найни Маматқодиров ҳақида ҳикоя қилинади.

У эсини таниганича йўқ эди. Онаси ва отаси оламдан ўтди. Елгиз ўғлининг саргузаштлари бошланди. У нима қилларини билмай турганида эшикдан тоғаси кириб келди. «Биз билан турасан, жиян», — деди у. Қирқ биринчи йилнинг баҳорида тоғажиян етаклашиб «Савай» совхозига кириб келди. Бошпана беришди.

Тоға ҳарбий хизматга чақирилди. У поездга чиқаётиб деди: «Эс-ҳушингни йиғиб ол, жиян, одам ўз тақдирини ўзи яратади. Шу гап ёдингда бўлсин. Кўришгунча хайр!»

Найни бахтини даладан кидирди. Сувчига ёрдамчи қилиб қўйишди. Кунларни тунларга улаб ишлади, ўзини кўрсатди. Ҳатто, бир мажлисда: «Қиргиз йигит тиришқоқ, абжир экан. Отасига раҳмат» деб мақташди. Уста деҳқонлар унинг ишини зимдан кузатишар, қўлдан келганча ёрдам беришар эди.

Беш йилдан кейин Найнини миробликка ўтказишди. Қувончи ичига сиғмаган йигит тўрт йил сув ёқалади. Унинг бу иши бўлим бошқарувчисига ҳам, бошқа ишчиларга ҳам манзур бўлди. Ҳалол меҳнат унга шон-шуҳрат келтира бошлади.

Орадан яна бир йил ўтди. 1950 йил кирди. Найнини қўярда-қўймай бригадага бошлиқ қилишди. Бригадада эса аҳвол ночор, ҳосилдорлик жуда паст эди. Найни энг биринчи ишни бободеҳқонлар билан суҳбатдан бошлади. Қандай қилса бригада ўнгланади. Бригадир даставвал деҳқонларни ғалабага ишонтирди. Ҳар ишда сўзининг устидан чиқди. Ердан, сувдан, ўғитдан тўғри фойдаланилди. Биринчи йилиёқ ҳосилдорлик кескин кўтарилиб кетди. Ёш бригадирнинг кўкси тоғдай баланд бўлди, қалби чақин каби чақнади.

Келаси йил Найни бош бўлган бригада илғорлар даврасига ўтди. Найни пахтачилик илмини қунт ва чидам билан эгаллайверди. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ортиб борди. Совхоз планни тўлдирмаган йилда ҳам Маматқодиров бригадаси гектаридан ўттиз бир ярим центнердан хирмон кўтарди. У сурункасига 20 йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилди. Ҳар йили улоқни олиб, давранинг тўрида бўлди.

...1970 йилнинг қаҳратон қиш куни совхозда шундай гап бўлди: «Пахтачилик соҳасида қилган ишимиз чакки эмас. Лекин маккажўхорига қарамай қўйдик, ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Бу совхозимиз шаънига яхши эмас!»

Бу гап Найни Маматқодировни ўйлантириб қўйди: «Директорнинг гапида жон бор, Пахтани деб маккажўхорини унутдик. Давлатга пахта ҳам, дон ҳам зарур. Ер уқувсиз қўлларга тушиб қолмадимикан? Бўлмаса гектаридан эллик центнер маккажўхори дони олинармиди?» Найни кутилмаганда директорнинг хонасига ариза кўтариб кирди. «Мени маккажўхорикорлик бригадасига ўтказишингизни сўрайман...».

Бу таклиф кўпчиликка маъқул тушди. Найни касбини ўзгартирди. Илғор бригададан қолоқ бригадага ўтди. Маккажўхорикорлик бригадасига бошлиқ бўлди. У янги бригадада ҳам ишни ерни ўрганишдан бошлади. «Ерни маҳаллий ўғитга тўйдирамиз. Бунинг фойдаси кўп. Ер тўйса эл тўяди. Ўсимлик тез ўсиб, эрта ҳосилга киради».

Шундай қилинди. Шудгор олдидан ҳар гектар майдонга ўн беш тоннадан маҳаллий ўғит солдирди. Қишда ҳамма дам олганда Найни ва унинг дўстлари тиним билишмади, далага ўғит чиқаришди. Экишда янги усул қўлланилди. Ўяларга белгиланган миқдорда уруғ ташланди. Бу иш жуда қисқа муддатда — уч кунда тугалланди. Ҳар ўяда иккитадан ниҳол ўстирилди, илғари ўяларда кўп кўчат сақлаб қолишарди. Кўчат кўп бўлса, кўкпоя, дон мўл бўлади, деган тушунча деҳқонларнинг қон-қонига сингиб кетганди.

— Дон учун экилган маккажўхори сийрак бўлгани маъқул, — деди Маматқодиров, — шунда ўсимлик қуёш нуридан кўпроқ баҳраманд бўлади. Тез ўсиб, эрта ҳосилга киради. Озуқа, ҳаво ва сувга тўяди. Ниҳоллар бақувват бўлади. Касалга чалинмайди. Бир гектар ерда 28 минг уя бор. Ўнда 56 минг туп ниҳол сақлаш кифоя. Шундан 6 минг тупи ишлов даврида нобуд бўлганида ҳам ўртача 50 минг тупи қолади. Бир туп кўчат 200 грамм дон берса, гектаридан олинадиган ҳосил 100 центнердан ортиб кетади.

Шуннг учун Маматқодиров кўчатни сийраклаштиришдан қўрқмади. Унинг бу иши бригада учунгина эмас, бутун область учун янгилик эди. Ўсимликни тўғри озиқлантириш ҳам фойда берди. Биринчи ўғитлашда азот билан суперфосфат, иккинчисида азот билан калий аралашмаси солинди. Культиваторга қўшимча мосламалар тиркалди. Ўсимлик тагига еттисакким сантиметр қалинликда тупроқ тортилди. Оқибатда ўсимлик йиқилмай яхши ўсди.

Ниҳоят, хирмон кўтарадиган кунлар келди. Барча ҳосил «Херсонец-7» комбайни билан йиғиб олинди. Дон гектар бошига 80 центнерданга тўғри келди. Ҳосилдорлик бир йилда 30 центнер кўтарилди. Ўз меҳнатларининг самарасини кўрган маккажўхорикорнинг қувончи бир олам эди.

Деҳқончилик шу тарзда давом эттирилаверди. Ҳосилдорлик ортиб борди. Центнерга центнер қўшилди. Энг муҳими, истиқболнинг кенг, равон йўлига чиқиб олинди. Шу-шу Найни Маматқодировнинг номи тилдан тушмайди. Довруғи бутун мамлакатга таралди.

У кўп яхши ишлар қилди. Беш йилликнинг чинакам паҳлавони сифатида танилди. Андижонда юз центнерчилик ҳаракатини ҳам биринчи бўлиб Маматқодиров бригадаси бошлаб берди. Донгдор бригада 1972 йили 105 центнерлик маррани эгаллади. 1973 йили ҳосилдорликни ундан ҳам ошириб ҳаммани ҳайратга солди.

«Савай» совхозида Найни Маматқодиров мактаби очилди. Андижон областидаги барча маккажўхорикорлик бригадаларининг бошлиқлари шу мактабни битирди. Найни Маматқодиров тажрибаси Андижон учунгина эмас, бутун республика учун дорилфунунга айланди. Қўшни Наманган, Фарғона областларининг ёш маккажўхорикорлари ҳам Маматқодиров мактабида таҳсил олишди, уста маккажўхорикордан мўл ҳосил етиштириш «сир»ларини ўрганиб кетишди. Қардош Қирғизистоннинг Ўш областидан 300 маккажўхорикор ва мутахассис келиб Маматқодиров билан ҳамсуҳбат бўлди. Найни Маматқодиров Туркманистон, Қозоғистон республикаларига бориб, ўз тажрибаларини ўртоқлашиб келди. Андижон областида Найни Маматқодиров номида мукофот таъсис этилди.

Унинг камтарин меҳнати муносиб тақдирланди. Кўксида қўш-қўш орденлар ярақлади. Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлди. Найни Маматқодиров юксак нишонча жавобан янада самаралироқ ишлади. Бу ишда унга уста сувчилар: Абдураим Эшонқулов, Исо Мирзаев, Масодиқ Мамадалиев, Жамисор Мамедов, Матисмон Маматалиев, моҳир механизаторлар Тўхтасин Мадалиев, Қобилжон Қодиров мададкор бўлди. Бригаданинг шон-шуҳратини оширишга бебаҳо ҳисса қўшишди.

Маматқодиров бригадаси ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини ҳам яхши якунлади. Маккажўхори экилган 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 101 центнердан дон, 32 гектар пахта майдонининг гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Пахта планини бир кунда тўлдиришди.

Партия ва ҳукуматимиз Найни Маматқодировнинг хизматларини юксак баҳолади, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан сийлади. «Олтин Юлдуз» машъал бригада коллективини ташаббусга чорлади. Бу йил ҳам Юз центнерлик маррани забт этамиз!» — шундай шиорни ўз олдига катта мақсад қилиб қўйишди улар.

А. ҚУРОНБОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АТОҚЛИ САРКАРДАГА

22 февраль куни Москвада Ленин партиясининг содиқ фарзанди, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг донг чиқарган қаҳрамони, Совет Қуролли Кучларининг атоқли қурувчиларидан бири Семён Михайлович Будённий хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳа тантанали вазиятда очилди.

Москва ҳарбий округи штабининг ёдгорлик лавҳаси очилган биноси олдида кўп кишилик митинг бўлди. Қизил мармарда С. М. Будённийнинг барельефи тасвирланган ва «Атоқли совет саркардаси, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали Семён Михайлович Будённий бу ерда 1937 йилдан 1939 йилгача Москва ҳарбий округи қўшинлари қўмондони лавозимида ишлаган эди» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Митингда Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник В. Л. Говоров нутқ сўзлади.

(ТАСС).

«ЙИЛЛАР ЎТИБ»

Тошкентдаги Муқимий номли музикали театрнинг янги «Йиллар ўтиб» спектаклини томоша қилганлар шу театрнинг «Ўжарлар» музикали комедияси қаҳрамонлари билан учрашдилар. Бу учрашув 20 йил ўтгач рўй беради. Авралги спектаклда студент бўлган ёш қурувчилар — «Ўжарлар» ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг болалари ўсиб камолга етди. Кўплари ўзларининг ҳаётдаги ўринларини топишга ҳаракат қиладилар.

Ўжарлар ҳаётда кимлар бўлиб етишишди, улар олдида турган бугунги муаммолар қандай? Уларнинг ўғиллари ким бўлиб етишади? Театрнинг янги «Йиллар ўтиб» спектакли ана шу саволларга жавоб беради. Пьеса муаллифлари Жўманиёз Жабборов билан Абдурашид Раҳимовлардир. Авралги спектакль сингари бу асарга ҳам композитор Иқром Акбаров куй басталаган.

Гули Обидова, Ҳусан Шарипов, Фазлитдин Фаёзов, Собир Раҳимжонов ва бошқа актёрлар режиссёр Абдурашид Раҳимов билан биргаликда «Ўжарлар» спектакли қаҳрамонларининг йигирма йилдан кейинги ҳаётини ҳикоя қилиб берадилар.

(ЎзТАГ).

БЎСТОН ДОСТОНЛАРИ

ТАҚРИЗ

Шоир учун оддий одамларнинг орзу-армонлари ҳам, мамлакатлар, қитъаларнинг тақдири ва келажаги ҳам баробар муҳим, баробар қимматли. Яшнаб турган фойдали бир дарахтга баногоҳ яшин тушса, шу яшин зарбини ҳам шоир киши ўз қалбида туяди; унга бу ёруғ оламда инсонга хос барча ташвишлар, ҳамма катта-кичик ҳаётий, ижтимоий масалалар яқин, гўё инсон ташвишлари, жамият масалаларининг бир учи шоир юрагига келиб гуташгандай бўлади. Шунданмикин, ҳаёт ришталарининг қай бирига қай паллада кўпроқ юк тушса, қай бири таранг тортила бошласа, шу таранглик ўз элининг виждони, янгроқ овози бўлган ижодкор кўкрагида ҳам акс-садо беради.

Ўзбек совет адабиётининг атоқли санъаткорларидан бири Ҳамид Ғуломнинг достонлари ҳам ҳаёт торлари шундай таранг тортилган дамларда уларга акс-садо бўлиб туғилган. Шоирнинг янги «Достонлар» китобига кирган «Амазонка қўшиғи», «Севги», «Ҳаёт ишқи», «Лола қўл» каби асарлари турли йилларда ёзилган бўлсалар-да ва ўзларида ўша йилларнинг мухри, ҳаётий-адабий белгиларини акс эттирган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳаммасини замонамиз учун жуда муҳим бир масала — ҳаётда инсоннинг ўрни ва қадри масаласи бирлаштириб туради.

Нима учун Пабло Неруданинг Исла Неградаги уйи фашистлар томонидан вайрон қилинганда бутун тараққийпарвар инсоният, бутун қурашаётган Чили оёққа қалқди? Бу — коммунист шоирнинг қадри бутун илғор фикрли кишилар ақидасида юксак бир мавқеда турганлигини кўрсатмайдими? Неруда — бутун умри давомида оддий меҳнаткаш инсон бахти учун курашган, шу бахтни ишчининг, кончининг, деҳқоннинг хонадонига олиб киришга, воқеликка айлантиришга интилган, ишчининг тилагини қуйлаган, ишчи манфаатларига кўкрагини қалқон қилган мумтоз бир зот. У ҳамма учун курашган эди. Вакти келиб, ҳамма ўз навбатида Неруда учун курашди, оёққа турди, ўз шоирини ҳимоя қилди, унинг кўшиқларини ўз жанговар сафларида Сантьяго, Париж кўчаларига олиб чиқди, қалбида эъзозлади. Ҳамид Ғулом «Амазонка қўшиғи» достонида мана шундай инсоннинг ўрни ва қадри ҳақида ўй юритади. Шоир Нерудаанинг номи ҳам, шеърлари ҳам адолат, озодлик, қурлик йўлида курашаётганларнинг юракларига мадор бўлаётгани, келажакка умидвор кўз билан қарашга чорлаётгани достонда кўтаринки, публицистик шеър билан ифодалаб берилади:

Досон қаҳратонидан
Сиқиқайди суяклар,
Неруда достонидан
Мадор олар юраклар,
Азобга берар бардош,
Ахир чикар-ку қуёш!

Достон сатрларининг лўндалиги, кўтаринки жўшкинлик шоирнинг асл гилагидан туғилган: «Жанговар ғоялардан кўнглим машъалин ёқдим, намойиш томон чопдим, ўше тўлқинда окдим», деган санъаткор ростдан ҳам достон бандларига синфий намойишлар руҳини, шиддатини олиб киради ва ҳақ йўлида курашга отилган намойишкор дунё лавҳаларини чизади. Лавҳаларда ишчи, меҳнаткашлар бирлиги, сафарбарлигининг қудратини ифодалайди.

Шоирнинг бошқа бир достони — «Севги» чўлларга ободлик олиб келган совет кишиларининг маънавий дунёси ҳақида ёзилган. Шоир халкнинг узоқ асрли армонлари ҳақиқатга айланган чаман чўлларда кезиб юраркан, какроқ ерлар кўм-кўк бўлганлигини, асрли зимистонлар нур билан ёриганлигини, одамларни янги ҳаёт, янги ўй, янги муносабатлар бирлаштириб турганлигини кўриб кўлига қалам олгиси келади ва чўл чироқларининг тоза шуъласини, качалларда тўлгин оққан сувларнинг нашъасини, навқирон юракларда етилаётган севгиларнинг қўшиқларини аста қоғозга тушира бошлайди. Унинг ёш қаҳрамони агроном қиз Санобар бу чўлларга катта ният билан келганда, ҳали ҳаммаёқ тақир, бир бўғот, бир тиккайган дов-дарахт йўқ эди. Санобарлар ертўлаларда яшаб тақирни енгадилар. Мана шу енгиш аҳди бўлмасайди, чўл чўллигича қолиб кетаверарди. Шоир назарида чўлни чаман қиладиган бебаҳо нарса, бу аввало, одам боласининг қалбидаги чамандир. Шу чаман уни яратишга, янги чаманлар барпо қилишга, юракларда, орзуларда туғилган чаманларни ерга, заминга кўчиришга даъват қилади. Шу чаман билан достон қаҳрамонлари ернинг «манглай шўрини» ювишдан ортиқроқ дилларга оралаган ҳудбинлик, ғаш, риё, андишасизлик, ибосизлик ғуборларини ювишга бел боғлайдилар. Санобарнинг эри Азиз ўринсиз шубҳалар билан ҳонадонни, чўлни тарк этганда, чўл ёшлари ва ҳатто бутун гўзал табиат Азиз қалбида покиза туғғулар, коммунистик қарашлар қарор топиши учун кўзгалади. Ҳаётнинг доимо ҳам ғолиб сабоқлари Азизга одамлар ўртасида ўз муносиб ўрнини топишга хизмат қилади.

Ўрнига тушмаган сўз, ўрнига тушмаган уруғ, ўрнига тушмаган ниҳол, ўрнига тушмаган панд ва, ниҳоят, ҳаётда муносиб ўрнини топмаслик ночор ва ваячли бўлиб кўринади, соғлом кишиларнинг назарида. Ҳамид Ғуломнинг «Лола қўл» деб аталган достонига тушмаган уруғ, ўрнини билмаган ёки ўз ўрнини нотўғри англаган одамнинг тақдири кўрсатилади.

Социалистик воқелик олға суриб келаётган киши кишига дўст ҳам биродар, деган тўб буюк бир қараш умуман инсоннинг қадрини баланд қилиб, унинг шаъни, калди, кўкрагини кўтариб қўйди. Инсон коллектив бир қудратнинг фаол, хур аъзосига айланди. Ҳамид Ғулом ўз достонларига мана шундай ғояларни сингиреди ва соддароқ, лекин ҳаётий воқеалардан социалистик турмуш ва янги инсоний муносабатларнинг моҳиятини очиб берадиган ибратли хулосалар чиқаради. Унинг «Ҳаёт ишқи» достонида умрини, шуури, иродаси, қувватини колхознинг равнақи учун бағишлаган, юрагининг кўрини элнинг ишига берган кекса раисининг даврими, бизнинг кишлоқларимиз учун жуда характерли образи гавдалантирилади. Бу одамнинг умри қадам-бакадам колхозга ўтган, унинг ҳар бир сонияси реал бир қиммат эга. «Саховатда ҳеч нарса, ҳеч вакт тенг келолмас улуғ юраккa. Юртнинг бахти — юрак учун бахт!» — дейди шоир ўз қаҳрамонининг ҳаётини чуқур мулоҳаза қиларкан.

Даврими қиммати шундаки, коммунизмнинг улуғвор бўстонларини барпо қилаётган кишиларни дунёга берди. Ҳамид Ғулом мана шуларнинг тарихий ишларидан илҳом олиб бахтнинг ойдин йўллари ҳақида достонлар ёзмоқда. Улар ўзи қуйлаган бўстонларга муносиб қўшиқдир.

Иброҳим ҒАФУРОВ.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЬША

Четга чиқарилаётган тошкўмир Польшанинг барча валюта тушумларининг еттидан бир қисмини ташкил қилади. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин биринчи кунлардан бошлаб ҳозиргача тошкўмир халқ Польшасининг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларида ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Ҳар йили Польшанинг денгиз портларидан «қора олтин» ортилган уч мингдан зиёд кема жўнаб кетади.

Энергетика ёқилғиси ва химия саноати учун хом ашё сифатида кўмир ҳозир ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Республика ишлаб чиқариш қувватларини техника билан қайта қуроллантириш ва янги қувватларни ишга тушириш туфайли тошкўмир қазиб чиқариш йилдан-йилга кўпаймоқда. Масалан, 1960 йилда ПХРда 104 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлса, бу йил қариб 180 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилади.

РУМИНИЯ

Руминия халқ хўжалигида иссиқ сувлардан фойдаланишнинг кенг программаси ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда республиканинг кўпгина уездларида шундай сувларнинг ер ости манбалари топилди. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг Бухарест, Арад, Крайово, Орадь, Сату-Маре сингари саноат марказлари яқинидаги йирик теплицалар бутун йил бўйи аҳолини мўл сабзавот билан таъминлаб турибди.

Ер остидаги иссиқ сувлардан шунингдек уй-жой биноларини иситиш учун ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, Орадь шаҳрининг янги районларидан бири тамомила мана шу сувлар билан иситилмоқда. Бу эса ёнилгининг кўпгина турларини ғоят тежаб сарфлашга имкон бермоқда.

(ТАСС).

БЕРЛИН:

Э. ХОНЕККЕРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккернинг Ғарбий Германияда чиқадиган «Саарбрюккер цайтунг» газетаси мухбири билан суҳбати эълон қилинди.

Э. Хонеккер Хельсинки Кенгашининг аҳамиятига тўхталиб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: Хельсинкида имзоланган Якунловчи актда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципи қатъий таъкидлаб ўтилган. Ички ишларга аралашмаслик — кескинликни юмшатишнинг асосий талабидир. Биз шунга мувофиқ ҳаракат қилмоқдамиз ва ҳаммамизнинг ҳам шундай ҳаракат қилишини истаймиз.

Э. Хонеккер ГДР билан ГФР ўртасидаги мавжуд муносабатларга тўхталиб, бундай деди: Федератив Республиканинг Германия Демократик Республикасига нисбатан тутган муносабатларини тартибга солиш — асосий масаладир. Биз Германия Федератив Республикасидан Германия Демократик Республикасининг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб этишга ҳақлимиз. Кейинги вақтларда ГФРда ҳар икки герман давлати ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома имзоланган пайтгача қандай бўлса шундай аҳволга қайтариш майллари кучайиб бормоқда.

1976 йилнинг ўзидагина ГФР томонидан ГДРнинг давлат чегараларига нисбатан, ГДРнинг чегара қўшинларига нисбатан бир мингдан зиёд ивгоарлик ва ҳамла қилинди. Бу хилдаги ивгоарликларни, деди Э. Хонеккер, рағбатлантирмоқдалар ва ГДРнинг давлат чегараси гўё мутлако суверен давлатнинг чегараси эмас, деган реваншчилик қараашлари асосида буни оқламоқдалар. Муносабатлар асослари тўғрисида ҳар икки герман давлати ўртасида тузилган шартномада, шунингдек Хельсинкида имзоланган Якунловчи актда чегараларнинг дахлсизлиги ва территориал бутунлик ҳамда суверенитетни ҳурмат қилиш — тинчликнинг асосий шарти, деб қатъий айтилган.

Биз ГДР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатларни тинч-тотув яшаш юзасидан Хельсинкида келишиб олинган принципларга мувофиқ уларнинг позитив ривожланишини қийинлаштирадиган ёки хатто хавф остида қолдирадиган ҳар қандай нарсалардан халос қилиш ва бундай ҳолатларга чек қўйиш керак, деб ҳисоблаймиз.

ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ишини олға силжитиш учун ГФРдагилар ҳозирги вақтда бир-биридан мустакил иккита суверен герман давлати мавжуд эканлиги каби рад этиб бўлмайдиган фактни асос қилиб олишлари керак. Бу фактдан сиёсий хулосаларни ва халқаро ҳуқуқ билан боғлиқ хулосаларни чиқариб олиш лозим

Мен, деди Э. Хонеккер, Ғарбдаги муайян доиралар Ғарбий Берлин ҳақида тўрт томонлама тузилган битимнинг мустаҳкамлигини синаб кўришга уринаётганликларини ҳам эслатиб ўтишим керак.

ГДР ҳам, ГФР ҳам, деб таъкидлади Э. Хонеккер, Ғарбий Берлин хусусидаги тўрт томонлама битимни имзолаган давлатлар каторига кирмайди. Лекин шунга карамай, ГДР мазкур битимнинг Европадаги аҳволни ривожлантиришга ўтказаётган самарали таъсирини кўлла-кувватлаш ва унга ёрдам беришга интилмоқда. Ғарбий Берлинни шартномаларга хилоф суратда Федератив Республикага қўшиб юбориш йўлидаги уринишлар ГФРнинг Ғарбий Берлин билан уни ГФР ери деб ўйлаб муомила қилишга интилаётганлигида ўз ифодасини топади.

Биз, деб уқтириб ўтди Э. Хонеккер, тўрт томонлама тузилган битим қоидаларининг бузилишига кескин суратда карши чиқамиз. Бу гап хусусан ана шу битимнинг асосий қоидасига тааллуқлидир. Бу қоидага мувофиқ, Ғарбий Берлин ГФРнинг таркибий қисми эмас ва ГФР томонидан бошқарилиши мумкин эмас.

Берлинга келганда шуни айтиш керакки, деб қайд қилди Э. Хонеккер, Берлин Германия Демократик Республикасининг пойтахтидир. Берлин давлатимизнинг ажралмас таркибий қисмидир ва ГДРнинг бошқа ҳар қандай территориясига нисбатан бўлгани каби бир хил ҳуқуқий статусга эгадир. Тўрт томонлама битимнинг бунга ҳеч қандай алокаси йўқ. Битим фақат Ғарбий Берлинга тааллуқли масалаларни ҳал этади.

Э. Хонеккер коммунистик ва ишчилар ҳаракати тўғрисида гапириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқаро коммунистик ҳаракатда катта роль ўйнаётганлигини, унинг социалистик революция ва коммунизм қурилишидаги 60 йиллик тажрибаси муҳим эканлигини таъкидлади.

Э. Хонеккер Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференцияси ҳақида гапириб, бундай деди: Бу конференция Европа хавфсизлиги, ҳамкорлик ва социал тараққиёт ишига анча катта ҳисса қўшди. Европадаги барча мамлакатлар меҳнаткашларининг ҳамма асосий масалалардаги манфаатлари билан уларнинг Коммунистик партиялари манфаатлари бир-бирига мос бўлиб тушади. Буларнинг кучқудратини эътиборга олганда, уларнинг ҳаммаси катта аҳамиятга эгадир. Берлин конференциясида қатнашган партиялар ўзлари қабул қилган ҳужжатда Европада тинчлик ва социал тараққиёт учун империализмга қарши биргаликда олиб борилаётган курашда халқаро бирдам эканликларини таъкидлайдилар.

Э. Хонеккер баъзи арбобларнинг Совет Иттифоқининг «агрессив режалари» тўғрисида қилаётган туҳматдан иборат бўлган даъволарини рад этди.

Халқаро сиёсатда, деди суҳбат охирида у, Совет Иттифоқига нисбатан душманлик йўлини тутиб «обрў» қозонишни умид қилаётган ҳар қандай сиёсий арбоб жуда қаттиқ янглишади. (ТАСС).

Канада тинчлик тарафдорлари Оттава шаҳрида намойиш ўтказдилар. Намойишчилар мамлакатдаги барча сиёсий партияларни тинчлик учун ва қуролсизланиш бўйича жаҳон конференциясини тезроқ чақириш учун, шунингдек Америка империализми билан ҳар қандай битимни рад этиш учун курашни активлаштиришга чақирдилар. Суратда: Оттава кўчаларида намойиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БЕЛГРАД. Югославия пойтахтидаги корхоналар чет мамлакатларга сотадиган маҳсулотнинг деярли учдан бир қисмини Совет Иттифоқига юбормоқда. Белград заводларининг маркаси қўйилган маҳсулотлар орасида станоклар, зангламайдиган пўлатдан ясалган арматура, лак ва эмаль, дори-дармонлар, кенг истеъмол моллари бор.

● ПРАГА. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг Чехословакиядаги Брно шаҳрида ўтказилаётган «Салима-77» номли IV халқаро ярмаркасида Совет Иттифоқи маҳсулотлари иккита олий мукофот олди. Эритилган пишлоқ ишлаб чиқарадиган автомат линия ва совет асали шу мукофотларга сазовор бўлди. Ярмаркада дунёнинг 30 мамлакатидан 700 фирма ва ташкилот қатнашмоқда.

● БРАЗИЛИА. «СССРда ясалган» маркаси қўйилган станок ва машиналарни Бразилия корхоналарида тез-тез учратиш мумкин. Ресифи шаҳридаги грампластинкалар ишлаб чиқарадиган энг катта заводда биринчи совет типография машиналари ишлаб турибди. Шу машиналарни ишлатаётган кишилар уларни ишлатиш осонлигини ва қулайлигини айтмоқдалар. Мамлакатнинг жуда катта саноат маркази — Сан-Паулу шаҳрида доимий равишда ишлаб турган виставка залида совет техникаси янгиликлари намойиш қилинмоқда.

● БРЮССЕЛЬ. Бельгияда шу йилнинг 15 февраль кунигача 260 мингдан ортиқ мутлақо ишсиз кишилар бор эди, уларнинг 150 минги хотин-қизлар эди. «Сито» газетасининг таъкидлаб ёзишича, ҳозир Бельгияда ишсизлар мамлакатдаги ишга яроқли аҳолининг 9,9 процентига етган.

● ТОКИО. Бу ерда бўлиб ўтган оммавий митинг қатнашчилари Япония ҳукуматидан социал эҳтиёжлар учун бериладиган маблағ кўпайтирилишини талаб қилдилар. Японияннинг ҳамма томонларидан касаба союзлари ва бошқа демократик ташкилотларнинг 900 га яқин вакили митингда қатнашди. Бу ташкилотлар бутун социал таъминот системасини халқ манфаатлари йўлида қайта қуриб чиқиш талабномасига имзо тўплаш кампаниясида қатнашмоқда. Ҳозиргача шу талабномани 470 минг киши имзолади. (ТАСС).

Ўзбекистон олимларининг халқаро алоқалари

«САЁҲАТЧИ» ЧИГИТ

Мексика қишлоқ хўжалиги миллий институтининг тажриба станцияси территориясида СССРдаги Бутунитифоқ ўсимликшунослик институтининг ғўза селекцияси бўйича таянч пункти ташкил этилди. Бу ишда Ўзбекистон олимлари ҳам иштирок этмоқдалар.

— Мексикада тажриба участкасининг ташкил этилиши генетик материалларни кўпайтиришни тезлатиш, совет ва Мексика олимлари ихтиёридаги селекция фондини тўлдириш имконини беради, — дейди ғўзанинг «Тошкент» навлари автори, СССР Давлат мукофоти лауреати Содиқ Мираҳмедов. — Ғўзанинг янги навини яратиш кўп йиллик иш бўлиб, ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, селекция материали ўн биринчи авлодга борибгина батамом мусаффо бўлади ва бу нав қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш учун лойиқ деб топилади. Чунончи, ғўзанинг «Тошкент» нави 12 йил деганда яратилди.

Мексика олимлари билан ҳамкорлик янги навлар яратиш муддатларини икки баравар қисқартириш имконини бермоқда. Чунки Ўрта Осиёда қиш бошланаётган кезларда Мексикада авжи баҳор бўлади. 1976 йилнинг кузида Тошкентдан Мексикага янги ҳосил чигитидан посилка жўнатилди: чигит куздан баҳорга сафар қилди. Зеро, Мексикада октябрь—ноябрь айни чигит экадиган пайт. Колима штатида март-апрель ойларида пахта очилади. Демак уруғлик чигит аксинча, Мексикадан Ўзбекистонга саёҳат қилади. Шу зайл бир йилда икки марта ҳосил олинади.

Мексикада совет мутахассислари олиб бораётган ишларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, улар бу ўлкада ғўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи уруғларини тўплайдилар. Бу уруғлар эса селекция ишлари учун бой материал ҳисобланади. Маълумки, жаҳонда экилаётган ғўза навларининг ярмидан кўпи Мексика ва Перу ғўзаларидан тарқалган. Жумладан, пахтакорларнинг юксак баҳосини олган ўртача толали «Тошкент» нави маданий сорт билан Жанубий Мексикадаги ёввойи ғўзалардан бирини чатиштириш йўли билан олинган. Ғўзанинг ашаддий душмани — вилтга чалинмаслик хусусиятини «мексикалик аждоди»дан олган бу хил ғўза нави гектаридан ўртача 32 центнердан ҳосил бермоқда. Бу нав ҳосили авалгиларига нисбатан 6-7 кун барвақт етилади, толаси юксак технологик хусусиятларга эга. Яқинда янада такомиллаштирилган, юксак сифатли толали, янада барвақт етиладиган ва серҳосил «Тошкент» сортлари синовдан ўтказила бошланди.

Ғўзанинг ёввойи навларини ўрганиш инженерлик генетикаси нуқтаи назаридан ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Айрим ёввойи ғўзалар жуда серҳосил, лекин уларнинг толаси салбий хусусиятларга эга. Селекциянинг генетик методлари заурур генларни топиш ва бартараф қилиш йўлларини белгиланган хусусиятлари бўлган — шимолий районлар учун тезпишар, серҳосил ва чигити сергёг, жанубий районлар учун қуруқчиликка чидамли, ингичка толали, барги йиғиштерим мавсуми бошлангунга қадар ўз-ўзидан, табиий тўкиладиган, шўрҳок ерлар учун эса шўрга чидамли навларни яратиш имконини беради.

В. МИЖИРИЦКИЙ,
АПН мухбири.

АХБОРОТ

КИЧКИНТОЙЛАР ФАРОҒАТИ

Мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тармоғини кенгайтиришга Киров районида катта эътибор берилмоқда. Давлат ва хўжаликлар маблағи ҳисобига қурилаётган типовой боғча биноларининг сони тобора кўпаймоқда. Ҳар бири 140 ўринли типовой болалар боғчалари яқинда «Партия XX съезди» совхозининг Ленин номли бўлимида ва пахта тозалаш заводининг ишчилар поселкасида, 90 ўринли боғча бинолари Якматут қишлоғида ва «Бешариқ» совхозининг Шоберди қишлоғида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Районда ҳозиргача қурилган типовой боғча бинолари 73 тага етди.

Эндиликда доимий болалар боғчаларида район меҳнаткашларининг 5200 дан зиёд фарзанди тарбияланяпти. Болалар муассасалари тармоғини кенгайтиришга Фарғона областининг Қува, Тошлоқ, Охунбобоев, Бувайда ва Ўзбекистон районларида ҳам катта эътибор бериляпти.

Т. МАҲМУДОВ.

РУС ТИЛИ КУНИ

Яқинда Тошкент Давлат маданият институтида «Рус тили куни» ўтказилди. Бу тадбир институтнинг рус тили кафедраси ташаббуси билан ташкил этилди. Шу куни студентлар марксизм-ленинизм асосчиларининг ҳамда машҳур шоир, ёзувчи, фан ва маданият арбобларининг рус тилининг бойлиги ва гўзаллиги тўғрисидаги сўзлари билан танишдилар. Айниқса, рус тилида ёзилган «Рус тилини эгалланг!», «Русча тўғри гапириш ва саводли ёзишни ўрганинг» каби ёзувлар кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этди. Рус тили машғулотларида студентлар ўз таассуротларини ўртоқлашдилар. Бундай тадбир институтда ҳар йили икки марта ўтказиб турилади.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

КОЛХОЗДА РАДИОЛЕКТОРИЙ

Ленин номли колхозда ташкил этилган радиолекторий хўжаликдаги 700 дан ортиқ радионуқта орқали ёшлар, ота-оналар ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий мавзуларда тушунтириш ишлари олиб бораётир. Радиолекторийга «Билим» жамиятининг колхоздаги бошланғич ташкилоти лекторлари жалб қилинган.

— Радиолекториймизда, — дейди лекторий бошлиғи Назиржон Худоёров, — биргина болалар ва ота-оналар мавзуида машғулотлар олиб борибгина қолмай, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида, меҳнаткашларнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейига муносиб совғалар ҳозирлаётгани тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар ҳам бериб бориляпти.

Андижон область Пахтаобод районидаги Ленин номли колхоздаги радиолекторий лекция пропагандасини кучайтиришда ибратли ишлар қилмоқда.

Т. ҚУРБОНОВ.

* * *

Бундан ташқари редакцияга М. ҲАМРОЕВА (Қашқадарё), А. ПАРПИЕВ (Оҳангарон), Х. ҚУЛДОШЕВ, Р. ДОНИЁРОВА (Самарқанд), М. НОРХЎЖАЕВ, К. АШУРОВА, И. МИРЗАЕВ (Андижон), А. АКБАРХЎЖАЕВ, М. АҲМЕДОВА, М. ЮСУПОВ (Наманган), М. РАЖАБОВА, У. МУҲАММАДИЕВА (Сурхондарё) каби газетхонлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Физика-техника институтида қуёш энергиясини иссиқлик ва электр энергиясига айлантириб берадиган янги қурилма яратилди. Бу қурилма юзлаб майда ойначалардан ташкил топган бўлиб, улар ўзларида қуёш нурларини тўплайди. Урта Осиё шароитида қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар катта аҳамиятга эга. Бухоро яқинида мамлакатда биринчи гелиотехника заводининг ишга туширилиши — Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётганлигини кўрсатади. Суратда: катта лаборант Ш. Алимова ва гелиофизика бўлимининг катта илмий ходими Б. Алоэуддинов гелиоқурилмани ишдан кечириш ишида.

А. Авазов ва С. Метелица фотоси. (ЎзТАГ).

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

„ЁШ КУЧ" — КЎНГИЛЛИ ЖАМИЯТ

Республика кўнгилли спорт жамиятлари яна биттага кўпайди. Мавжуд «Спартак», «Динамо», «Меҳнат», «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятлари, «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти қаторига «Ёш куч» қўшилди. «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятининг ташкил этилиши республика спорт ҳаётида муҳим воқеалардан бири бўлди.

ФАКТ ВА ШАРҲ

Мамлакатимизда, хусусан республикамизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари йилдан-йилга ривожланиб, оммавийлик касб этмоқда. Партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг ҳар томонлама баркамол бўлишлари йўлида тинмай ғамхўрлик қилмоқдаларки, жисмоний тарбия ва спорт ишлари янада равнақ топишида кенг имкониятлар очилмоқда. Янги яна бир спорт жамиятининг ташкил этилиши бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика ўқув юртларида жисмоний тарбиянинг аҳволи ва спортни ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан кейинги йиллар мобайнида студент-ёшлар ва ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбия ҳамда спортни янада яхшилаш борасида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди. Чунончи, мактаблар ва педагогика ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт ишлари бирмунча намунали йўлга қўйилди. Спорт базалари мустаҳкамланиб, малакали ўқитувчи — кадрлар билан таъминланди. Ҳозирги кунда республика мактабларида қарийб 8 минг жисмоний тарбия ўқитувчиси ишлаб турибди.

Тошкентдаги республика Давлат жисмоний тарбия институти, Бухоро, Фарғона, Самарқанд педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари, Андижон, Қўқон, Наманган, Қарши ва Термиз педагогика институтларининг жисмоний тарбия бўлимлари, икки жисмоний тарбия техникуми ва ўқув юртида ёшларнинг бўлажак устозлари, малакали кадрлар тарбия топмоқда. Мактабларда жисмоний тарбия дарслари мазмунли ва маромли ўтадиган бўлди. Ҳамма ерда бўлгани каби ўқувчилар орасида ҳам Бутуниттифоқ ГТО нормативларини топширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Спортчи ўринбосарлар тайёрлашнинг манбаларидан ҳисобланган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида самарали иш олиб борилмоқда. Ҳозир мавжуд 176 мактабда 70 минг ўғил қизга спортнинг 30 тури бўйича 2 мингга яқин тренер-ўқитувчи сабоқ бермоқда. Спорт мактабларида кейинги икки йил мобайнида 15 спорт мастери, 400 дан зиёд мастерликка номзод ва минглаб оммавий разрядли спортчилар тарбияланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Республика мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XIV спартакиадасида эришган муваффақиятлари айниқса қувончли бўлди. Ўзбекистон терма командаси составида 344 киши спортнинг 20 тури бўйича иштирок этиб, норасмий умумкоманда ҳисобида 7-ўринни эгаллади. Мактаб ўқувчилари терма командасида 22 спорт мастери, 90 мастерликка номзод, 66 биринчи разрядли ва оммавий разрядлилар мавжуд эди. Спартакиадада эришилган ютуққа тошкентлик боксчилар А. Фидаев, Э. Илёсов, навоийлик сузувчи Л. Чертова, тошкентлик гимнастикачи А. Отахоновлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Мактаб ўқувчиларининг «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятининг ташкил этилиши қувончли воқеа, албатта. Зеро, республиканинг янги спорт жамияти зиммасига йилдан-йилга сафи кенгайиб бораётган ёш спортчилар армиясига раҳбарлик қилиш, мактаб ўқувчилари орасида жисмоний тарбия ишларини марказлаштириш ҳамда Ўзбекистон, қолаверса мамлакатимиз моҳир спортчилари сафига жисмоний баркамол, маҳоратли йигит-қизларни етказиб беришдек шарафли ҳамда масъулиятли вазифа юклатилган. Спорт ишлари намунали йўлга қўйилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида кўлга киритилаётган ютуқларни оммалаштириш, турар жойларда оммавий спорт ишларини ташкил қилиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ҳам мазкур спорт жамияти орқали амалга оширилади.

Бу йил, 1978 йилда Тошкентда ўтказиладиган йирик мусобақанинг муҳим босқичи сифатида республика мактаб ўқувчиларининг XXV спартакиадаси ўтказилади. Келаси йили эса, Ўзбекистон пойтахтида яна бир йирик мусобақа, мактаб ўқувчиларининг XV Бутуниттифоқ спартакиадаси старт олади. Мамлакатимиз спорт ҳаётида йирик воқеа — Москвада ўтказилажак XXII олимпиадага муносиб номзодлар тайёрлаш, спортда йирик натижаларни кўлга киритиш учун «Олимпиадачилар — орамизда» шиорига амал қилиш янги таъсис этилган «Ёш куч» кўнгилли спорт жамиятининг ҳам муҳим иши бўлиб қолади.

Е. АЗИМОВ.

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

ТОШКЕНТ область ички ишлар бошқармасининг Давлат автоинспекцияси ходимлари транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар. Айниқса, Янгийўл шаҳар ва район давлат автоинспекцияси ходимларининг бу соҳадаги ишлари ибратлидир. Улар автохўжаликларда транспорт ҳайдовчилари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлар ўтказиб турадилар. Юқоридаги суратда лейтенант В. ШЕГАЙ ҳамда Янгийўл шаҳар давлат автоинспекциясининг катта инспектори капитан А. Абдураҳмонов тасвирланган. Пастдаги суратда эса Янгийўл район автоинспекцияси бошлиғи (чапдан) лейтенант А. Сарнисян, жамоатчи инспектор М. Шарипов ва инспектор сержант М. Алимов шофер билан суҳбатлашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотолари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

ХИЖОЛАТ ШУБҲА

Содиқжон меҳмондўст, улфат йигит. Уйига меҳмон келгудек бўлса, ўтказгани жой тополмай қолади. Хушчаққак, ҳуллас, жонон одам. Лекин уйга меҳмон бошлаб келишга юраги дов бермайди. Чунки хотини меҳмонни кўрдими, лабини буриштириб, эрига қовоқ қилади. Меҳмон кетгандан сўнг эрини эговлайди.

Бир куни Содиқжон тасодифан кўчада институтни бирга битирган дўсти Абдуҳоқидни кўриб қолди. Икки дўст қучоқ очиб кўришишди, ҳол-аҳвол сўрашишди. Сўнгра Содиқжон дўстини уйига таклиф қилишдан ўзини тиёлмади.

— Нима кўп — дўстингиз кўп экан-да, сизнинг. Ҳали бошлаб келасиз, ҳали бошлаб келасиз, — деди хотини лабларини буриштириб. — Ош-пошни ўзингиз пиширинг, бошим оғриб турибди. Манави гўшт, манави ёғ, манави бало-баттар...

— Ахир, хотинжон, бу иш ойда, йилда бўлади-ку. Меҳмон отангдан улуғ деганлар. Бу оддий меҳмонлардан эмас, беш йил бирга ўқиган қадрдон дўстим. Кириб танишиш ўрнига...

— Ўргилдим шунақа дўстингиздан. Қадрдон бўлса шундай қуп-қуруқ кириб келадими?

— Секинроқ гапир, хотин. Майли, сен нариги уйга кириб ёт. Ўзим бир амалларман. Хоҳласанг, меҳмон олдига кириб ўтир. Ишқилиб жим бўл.

— Жим бўл эмиш. Нима, сиздан тили қисиқлигим борми? Ё меҳмонингиздан тилим қисиқми?

Абдуҳоқид ошхонада бўлаётган бу ҳангоманинг ҳаммасини эшитди. Эшитди-ю, дўстини мулзам қилмаслик учун аста туриб, боғ эшигидан чиқиб кетди.

Содиқжон анчадан сўнг чой кўтариб уйга кирса, Абдуҳоқид йўқ. Чойнакни кўтарганича алла маҳал тараддадай қотиб қолди. У воқеани тушунган эди. Лекин на чора?

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Фозилжон бекатда хотини билан автобус кутиб турган эди, таниш таксичи дўсти уни кўриб қолди-ю ғиз этиб олдига келиб тўхтади.

— Ўтиринглар, Фозилжон, эҳтиб қўяман, — деди таксичи уларни машинага таклиф қилиб.

Эр-хотин машинага ўтиришди. Бироз йўл босилгандан сўнг таксичи Ғайратжон илжайиб сўради:

— Фозилжон, ёнингиздаги кимлар?

— Янгангиз-ку, танимаяпсизми?

— А? — деди таксичи ажаблангандай Фозилжонга ялт этиб қараб. — Ҳар куни янгани янгилатар экансиз-да. Кечагина сиз билан таксида ўтирган жоннони ҳам янгангиз деган эдингиз-ку...

Ҳамма можаро таксичи уларни уйга қўйиб кетгандан кейин бошланди. Қани энди хотин эътига гап уқтириб бўлса.

— Ҳа, ўзим ҳам сезувдим-а, — деди хотини эшикни шақ этиб ёпиб. — Ҳар кун шаҳарга чиқиб кетасиз, кеч келасиз. Бир балоси бор экан-да...

Мана, икки ҳафтадирки, Фозилжоннинг юришида ҳам, туришида ҳам ҳаловат йўқ. Хотини икки боласини унга қолдириб, онасиникига кетиб қолган. Фозилжон ишга ҳам бормай, болаларни боқади, ювинтиради, кийинтиради.

Фозилжон куни-кеча болаларини қўшниларга қолдириб, хотинига тавба қилдириш учун таксичи дўсти ишлайдиган автопаркка борди. Бахтга қарши, Ғайратжон меҳнат отпускасига чиқиб кетган экан.

— Э, қалтис ҳазилинг курсин, бунақада хонавайрон қиласан-ку мени, — деди ўзига-ўзи Фозилжон тоқатитоқ бўлиб.

Ишқилиб, қалтис ҳазилчи Ғайратжон отпускадан тезроқ қайтсин-да.

Одамнинг оласи ичида деганлари рост экан. Темирбойни кўрган киши уни сира муғомбир, ифвогар, ғийбатчи демайди. Идорада ҳам, кўчакўйда ҳам бир гапириб, ўн қилдирадиган киши. Аслида ўзи ишни дўндириб, ойликни ҳалол қилиб олишга қурби келмаса ҳам, лекин ишга айёр, ошга тайёрлардан.

Яқинда Темирбой ишлаб турган идорага ўзидан бир поғона юқори, билимли ва ақллироқ ходим ишга келгач, чидаб туролмади, бошлиқнинг қулоғига шипшиди:

— Ҳушёр бўлинг, Али Садриевич, — Обиджоннинг авзойи бежо, — деди Темирбой. эрталаб бошлиқнинг олдига икки букилиб кириб, саломлашаркан. — Кеча у сизни соддаликда айблади, бирибир ўрнингизни олармиш. Ҳа, акамсиз, жигаримсиз, ишонинг менга. Эҳтиёт бўлинг деймизда, бундайларнинг қўлидан ҳар бало келади.

Бир оздан сўнг бошлиқ Обиджонни чақиртириб, кўнглини ҳуфтон қилди. Темирбой эса Обиджон олдига кириб айёрона деди:

— Али Садриевич гирт чаласавод, ғўр одам. Сиздақа олижаноб, истеъдодли ходимни кўролмайди, шубҳаланади. Ўрнимни олиб қўяди, деб кўрқади-да. Хафа бўлманг, ўзим борман...

Бир ҳафтадан сўнг идорада бошлиқ шубҳа қилмайдиган киши қолмади. Бошлиқнинг яккаю ягона ишонган кишиси ўзи эди, холос. Лекин Темирбой яқинда яна бир ифво устида кўлга тушди-ю оқибатини сезиб, туёғини шиқиллатиб қолди.

...Темирбой ишдан кетди. Лекин бошлиқ ўрагида ходимларга нисбатан у солиб кетган шубҳа идорада ҳамон изгиб юрибди.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.
Самарқанд.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ҲАДАШИБ ҚОЛГАН ТУЛКИ

Тўрт оёқли жониворлар қиш пайтида ўрмонда оч қолади. Жамики жониворлар иссиқ инларига яшириниб олишган. Тулки овқат қидириб топиш мақсадида Волга бўйидаги унча катта бўлмаган Сенгилей шаҳрининг чеккасига келиб қолди. Бу ажойиб тулки гишт заводининг территориясига кириб қолди. Чор атрофни қидириб егулик ҳеч нарса топа олмади. Ниҳоят гишт хумдонга кириб ўтишга қарор қилиб, бу ерда адашиб қолди. Қанча қидирмасин чиқиб кетадиган йўлни топа олмади.

Эрталаб келган ишчилар асир тушган тулкини қўйиб юбордилар. Чўчиган тулки қутулганига шукур қилиб, ўрмонга қараб жуфтакни ростлаб қолди.

В. ЗЛОБИН,
ТАСС мухбири.
Ульяновск области,
Сенгилей.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Ордёнок». 11.15 — «Яна Гаранин» (телеспектакль). 12.25 — Миллионлар ленинча университети. 16.00 — Буюк бунёдкорлик кундалиги. 16.50 — «Мен ёқтирган қизча» (бадиий фильм). 18.05 — Москва ва москваликлар. 18.35 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — «Илк қувончлар» (бадиий фильм). 21.00 — Бизнинг биография. 1933 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Артлото. 23.40 — Катталар учун мультфильм. 24.00 — Хоккей: «Спартак» — «Крылья Советов». 00.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.50 — Футбол бўйича VII Халқаро Ўсмирлар турнири (матбуот конференцияси). 19.25 — Сиҳат-саломатлик. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Оламга саёҳат. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — «Ёзувчилар — ёзувчилар ҳақида. Қайсин Қулиев Зулфия ҳақида. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Ноз-неъмат бунёдкорлари. 22.50 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Доктор Абстиннинг тажрибаси (бадиий фильм). 20.40 — Янгиликлар. 21.00 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.30 — Транспорт ва йўловчилар. 22.00 — Чизма геометрия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Чархий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Ҳ. Носирова ва С. Ярашев куйлайди. 11.15 — Аҳолига граждан мудофаси ҳақида. 11.30 — Топишмоқли концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — «Човғай» чорвадорлари ҳузурида (очерк). 13.30 — Жаҳон халқларининг куйлари. 14.00 — Полиз маҳсулотлари бегубор бўлсин. 16.10 — Ёшлар учун концерт. 19.00 — Саломатлик — туман бойлик. 19.20 — «Юность Узбекистана». 20.25 — Иттифоқчи республикалар санъат усталари ижро этадилар. 21.00 — Ўзбек давлат филармонияси артистлари микрофон олдида 22.00 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 К. Симонов. «Тўртинчи» (радиоспектакль).

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЁШ ИЖРОЧИЛАР КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ШЕРМАТ ФАЙЗУЛЛАЕВ (Хоразм).
Карфагенда бўлиб ўтган VIII жаҳон фестивалининг лауреати МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА.

Бутуниттифоқ ва республика созанда — ижрочилар конкурси ҳамда Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ШУҲРАТ ИЛДОШЕВ;

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати — КАРИМА УЗОҚОВА:

Яккахон хонандалар: Ака-ука ИСМОИЛЖОН ВА ИСРОИЛЖОН ВАҲОБОВЛАР. БАҲТИЁР ТУЛАГАНОВ, РАҲМАТ ФАЙЗУЛЛАЕВ (Хоразм), МАТЛУБА ДАДАБОЕВА (Наманган), ЧАМАНГУЛ НУРУЛЛАЕВА (Қарши), МАЛИКА ИБРОҲИМОВА (Фарғона), МАРҒУБА СОБИРОВА (Наманган).

Яккахон раққосалар: МОҲИЧЕҲРА НУРМУҲАМЕДОВА, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ЗУҲРА ҚОДИРОВА;

Оригинал жанр: САТТОР ИСЛОМОВ;

Интермедия ва юмор: ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ, АБДУФАТТОҲ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — ТУЙҒУН ОТАБОЕВ.

Программани — УТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва яншанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«ТЕМП-209» ТЕЛЕВИЗОРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРДАН БИРИДИР.



У ЮҚОРИ ТЕХНИК ПАРАМЕТРГА ВА ЧИРОЙЛИ БЕЗАККА ЭГА.

«ТЕМП-209» телевизори экранидаги тасвир доимо аъло сифатлидир — чунки ундаги махсус схема уйда ишлаётган электр асбоблари таъсиридан сақлайди.

ЭКРАН ҲАЖМИ ДИАГНАЛИ БЎЙИЧА 61 САНТИМЕТР.

Баҳоси — 380 сўм.

ЦКРО «РАДИОТЕХНИКА».

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/II да **Севги ҳақида қисса**, 27/II да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да **Парвона**, 26/II да **Қиймат қарз**, 27/II да **Келинлар қўзғолони** (кундузи, билетлар сотилган), **Ўғирланган умр** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/II да **Концерт**, 27/II да **Гулбаҳор қани?** (кундузи), **Йиллар ўтиб** (кечқурун), 28/II да **Комедия, комедия, ёхуд ҳангома.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да **Фақат ақл сотилмайди** (17.30), 26/II да **Тинмасин соз** (17.30), 27/II да **Ун санкиз ёшлигим** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ГРУЗИЯ ЦИРКИ»** коллективи ва Узбекистон ССР халқ артисти Ҳаким **ЗАРИПОВ** раҳбарлигидаги **«УЗБЕКИСТОН ЯИГИТЛАРИ»** коллективининг чиқишлари (19.30).

Кино

Ҳимоя учун сўз — «ЧАЙКА» (кундузи), «МОСКВА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Малиновкада тўй — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12.00).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

26 ФЕВРАЛЬ СОАТ 15.30 ДА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА VII ХАЛҚАРО ТУРНИРНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

ПОЛЬША — ЎЗБЕКИСТОН **КОМАНДАЛАРИ УЧРАШАДИЛАР**

5 март соат 15.00 да VII Халқаро турнирнинг ТАНТАНАЛИ ЕПИЛИШИ ва 1 ВА 2 ЎРИН УЧУН

ФИНАЛ УЧРАШУВИ

СССР ЙУЛЛАР МИНИСТРЛИГИ МЕТРОПОЛИТЕНЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Алоқа ва СЦБ электромеханиклари, тортув кучи берадиган электростанцияларнинг электромонтёрлари, ҳаракатдаги составларни тузатиш бўйича слесарлар, станциялар ва блокпостларнинг навбатчилари.

КУРСЛАРГА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИДА ИШ ТАЖРИБАСИГА ЭГА БЎЛГАН УРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛАР ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганлар МОСКВА, ЛЕНИНГРАД ва ХАРЬКОВ шаҳарларидаги метрополитенлар техника мактабларининг қайта тайёрлов курсларига ўқишга юборилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри-60, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй. Телефон: 33-80-15.

●

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ОБЛАСТИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Узбекистон кўчаси, 143 «а» уйда жойлашган

СМС-10, ТУСМ-4, О-КАБЕЛЬ УЧАСТКАСИ

Одесса кўчаси, 9-уйга

КУЧИБ УТДИ

Телефонлар: 53-20-25, 53-64-14.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи Ўзбекистон ССР тарихи ва Ўзбекистон Компартияси тарихи илмий редакцияси ходими С. Холназаровага отаси

Мирсоат СУЛАЙМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 03217. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 47.